Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 41 (6.530) 1988 йил 19 февраль, жума Баҳоси 3 тийин

Кеча Москвада КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев «Революцион қайта қуришга—янгиланиш идеологияси» ҳақида нутқ сўзлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1988 йил 18 февраль куни КПСС Марказий Комитети Пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари Е. К. Лигачевнинг «Ўрта ва олий мактабни қайта қуриш қандай бораётганлиги ва уни амалга ошириш соҳасида партиянинг вазифалари тўғрисида»ги докладини муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, КПСС Томск область комитетининг биринчи секретари В. И. Зоркальцев, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. Д. Лизичев, РСФСР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Е. М. Чехарин, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. С. Демирчян, ВЦСПС раиси С. А. Шалаев, Краснодар ўлкасидаги Курган район партия комитетининг биринчи секретари З. И. Боровикова, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг раиси А. П. Думачев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев катта нутқ сўзлади. Нутқ матбуотда эълон қилинмоқда.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилди. Қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленум ўртоқ М. С. Горбачевнинг нутқи юзасидан қарор қабул этди, у матбуотда эълон қилинади.

Пленумда ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленум ўртоқ Ю. Д. Маслюковни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайлади.

Пленум КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Г. П. Разумовскийни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат этиб сайлади.

Пленум ўртоқ О. Д. Баклановни КПСС Марказий Комитетининг секретари этиб сайлади.

Пленум ўртоқ Б. Н. Ельцинни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат вазифасидан озод қилди.

Пленум КПСС Марказий Комитети умумий бўлимининг мудири В. И. Болдин, Қозоғистон ССРдаги Омонгелди номли совхоз механизатори Н. В. Геллерт, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. И. Мироненко ўртоқларни КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатликдан Марказий Комитет аъзолигига ўтказди.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тамомлади.

РЕВОЛЮЦИОН ҚАЙТА ҚУРИШГА—ЯНГИЛАНИШ ИДЕОЛОГИЯСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида 1988 йил 18 февралда сўзлаган нутқи

Ўртоқлар!

Бизнинг Пленумимиз қайта қуришнинг масъулиятли даврида ўтмоқда. Ижтимоий турмушни демократиялаш, туб иқтисодий ислоҳот партиядан аниқ ҳаракат истиқболларини талаб қилмоқда. Сиёсий бюро XIX партия конференциясининг концепциясини ишлаб чиқаётганида айни шунга асосланиб иш тутмоқда. У партиянинг стратегик ишидаги кўп нарсани белгилаб бериши керак.

Аммо биз экономикамиз, маданиятимиз, социал ва маънавий турмушимизни ривожлантириш йўлларини белгилашга қайси позицияларда туриб ёндашмайлик, инсоннинг ўзи, унинг сиёсий қиёфаси ва ақл-заковати, унинг маҳорати, унинг ватанпарварлиги ва интернационализми, унинг ижод қилиш қобилияти, унинг гражданлик позицияси ва активлиги ҳамиша ҳал қилувчи омил бўлади.

Мактабга, маориф ва тарбияга тааллуқли бўлган ҳамма ишлар социализмни ривожлантириш билан, қайта қуриш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлибгина қолмай, унинг энг муҳим йўналиши ҳам эканлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Шуни эслатиб ўтмоқчиманки, революциядан кейинги дастлабки, жуда қийин йилларда В. И. Ленин янги совет мактаби қурилишини партиянинг энг зарур ишларидан бири, деб ҳисоблаган эди. Бунинг сабаби ҳам равшан эди, чунки, ҳеч бир муболағасиз айтганда, социализмнинг келажаги мактабга, янги инсонга таълим ва тарбия беришга боғлиқ эди.

Ҳозир, жамиятимиз сифат жиҳатдан янги ҳолатга революцион тарзда ўтаётган бир пайтда ҳам масала шу тарзда турибди. Жамият маълумотли, эътиқодли, социализмга садоқатли ва шу билан бирга демократия, коллективларнинг хўжалик мустақиллиги шароитида, ўзи учун ва мамлакат учун юксак иқтисодий ва социал масъулият вазиятида яшаб, ишлай оладиган актив, изланувчан гражданга муҳтождир.

Ўртоқ Е. К. Лигачевнинг докладида, бошқа ўртоқларнинг нутқларида мана шундай кишини камол топтиришда барча поғоналардаги мактабнинг роли ҳақида гапирилди, уларни такрорламайман.

Модомики, биз мактабга мана шундай юксак талаблар қўяётган эканмиз, ўқитувчи нақадар салобатли, эътиборли сиймо бўлиши керак! У билимларнинг нақадар кенг мажмуасига, қандай педагогик истеъдод ва маҳоратга эга бўлиши керак! Бутун маориф системасини қайта қуришнинг «асосий бўғини» мана шунда, ўртоқлар.

Маорифни янгича ташкил этиш ҳам, янги программалар ҳам, таълимнинг моддий-техникавий таъминоти, уни компьютерлар билан қуроллантириш ҳам керак ва бу иш имкони борича тезроқ қилиниши лозим, албатта. Бироқ ўз билими ва қалб қўрини болаларга берадиган кишиларсиз, катта ҳарф билан ёзиладиган ўқитувчисиз мана шуларнинг ҳаммаси фақат юзаки ва қимматга тушадиган янгиликлигича қолавериши, жонли ишга етиб бормаслиги мумкин.

Ўқитувчи — қайта қуришда қатнашувчи энг муҳим шахсдир. У бизни эътиқод, билимдонлик ва эҳтирос билан қўллаб-қувватласа — қайта қуришнинг кўпдан-кўп янги астойдил тарафдорлари ва курашчилари, революцион социалистик ишнинг давомчилари майдонга келаверади! Башарти у бизни юзаки қўллаб-қувватласа, бефарқ, бетараф қолсачи? Бундай бефарқлик қандай социал турғунликка, қандай тескари ҳаракатга олиб бориши мумкинлигини олдиндан ким айтиб бера олади?

Ҳамиша ҳаётнинг ўзига умид қилинади, албатта: ҳозир ҳаёт қайта қуриш тили билан — ҳалол, ошкора ҳақиқат тили билан гапирмоқда, бу эса, эҳтимолки, энг яхши социал педагогикадир. Шундай бўлса ҳам, биз келажакка бўлган умидларни кўп жиҳатдан мактабимиз иши билан, унинг ўзини қайта қуриш билан, совет ўқитувчисининг педагоглик истеъдоди ва ижодий изланиши билан боғлаяпмиз — шундай бўлиши ҳам табиий.

Ўқитувчига бўлган муносабатни ҳеч пайсалга солмай ва иккиланмай, қатъий равишда тубдан ўзгартирмоқ керак. У икир-чикир васийликлардан халос этилсин, уларнинг изланишлари ва янги топган усулларига шубҳа-гумон билан қарашга чек қўйилсин. Муаллимлик меҳнатига тўғри келмайдиган вазифалардан озод қилинсин, унинг вақти ва кучи асосий иш учун имкони борича бўшатиб берилсин. Педагогикадаги новаторлик йўлларида қўйилган ҳамма тўсиқ ва тўғоноқлар олиб ташлансин, ўқитувчининг ижодий меҳнати учун муносиб моддий шароитлар яратиб берилсин. Партия ва совет органларининг бурчи мана шундан иборат.

Кўп миллатли совет мактабида болаларга таълим ва тарбия беришда ўз йўлларини излаётган ажойиб новатор педагоглар ишламоқдалар. Уларнинг номлари маълум. Энг юксак малакали ўқитувчилар нақадар кўп бўлса, маслакдошларнинг ўзига хос педагогик коллективлари нақадар тез-тез вужудга келиб турса, мактабимиз қолоқликдан, расмиятчиликдан, турғунлик руҳидан шу қадар тезроқ халос бўлади. Бундан фарзандларимиз ҳам, набираларимиз ҳам, бутун революцион қайта қуриш иши ҳам манфаат кўради.

Ўрта ва олий мактабнинг моддий базаси — ишнинг бошқа бир жуда муҳим соҳасидир. Маориф ва таълимнинг ҳамма турларини, ўқув юртларининг ҳамма турларини назарда тутяпман. Чамаси, келгусида ҳам биз ҳамма жойда — ҳам марказда, ҳам жойларда маорифнинг базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятларни топаверамиз. Бу соҳада бизда икки хил фикр йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Пленумимиз маориф ислоҳотини амалга ошириш масалаларини кенг давлат позицияларида туриб кўриб чиқди. Энг муҳими шуки, биз ўрта ва олий мактаб ислоҳотини ҳамма жойда охирига етказишга мажбурмиз, Сусткашликка, чалакам-чатти чоралар кўрилишига ва дудмалликларга йўл қўйиб бўлмайди. Изчиллик ва собитқадамлик билан ҳаракат қилиш керак.

Шу икки кун ичида биз жуда самарали мунозара ўтказдик. Нақадар кўп муаммолар тўпланиб қолганини, биз нақадар сабот билан ишлашимиз кераклигини шу мунозара яна бир бор кўрсатди. Бу соҳадаги умумий йўл равшан: совет мактаби янги сифат даражасига кўтарилиши керак. Ҳаммамиз ана шундай якдил фикрдамиз.

Бироқ ҳозир, Пленумда маориф системасини янгилашнинг ҳамма аниқ-равшан йўлларини белгилаш нотўғри бўлур эди, деб ўйлайман. Бу — осон иш эмас. Бу соҳада кенг жамоатчилик ва аввало мутахассислар: ўқитувчилар, муаллимлар, олимлар ўзларининг ҳал қилувчи сўзларини айтишлари керак. Пленумимиз қарорлари партиянинг ўз навбатдаги съездига ҳозирлик кўраётган ўқитувчиларга сиёсий тавсияси бўлиб қолсин. Олий ва ўрта махсус таълим ходимлари ҳам шу ҳақда ўйлаб кўрсинлар. Айни шундай ёндашув демократиялаш руҳига, қайта қуриш руҳига монанд бўлиши шубҳасиз.

Ўртоқлар! Мен ўз нутқимда қайта қуришнинг баъзи бир принципиал мафкуравий жиҳатларига тўхталиб ўтмоқчиман. Чунончи: биз қилаётган ишларнинг мафкуравий ифодаланишига тўхталмоқчиман, чунки ҳеч нарса инсон онгини четлаб ўтмайди, ҳеч нарса инсон онгисиз қилинмайди.

Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси арафасида пухта ўйлаб, муҳокама қилиш керак бўлган баъзи масалаларни дастлабки тартибда ўртага қўйиш учун ҳам шу имкониятдан фойдаланмоқчиман.

Ҳозир, биз қабул этилган қарорларни турмушга татбиқ этиш учун курашнинг ҳал қилувчи босқичига кирган бир пайтда, сиёсат кундалик практика бўлиб қолаётган, қайта қуриш кенг йўлга чиқиб олган бир пайтда у ўн миллионлаб кишиларнинг, бутун жамиятнинг ҳаётий манфаатларига тобора чуқурроқ тааллуқли бўлиб қолмоқда. Илгари жавоблар топилгандек туюлган масалалар яна актуал бўлиб қолди. Одамлар жамиятда бошланган ўзгаришларнинг моҳиятини яхшироқ уқиб олишни, қайта қуришнинг моҳияти ва вазифаси нимадан иборат эканини, биз нималарни кўзлаётганимизни, қайси марраларга чиқиб олишга интилаётганимизни, биз барпо этмоқчи бўлган жамиятнинг янги сифати деганда нимани тушунаётганимизни англаб олишни хоҳлайдилар.

Бу истак мутлақо табиий: биз ижтимоий турмуш шаклларини қайта қура бошладик, янгиликни ўзлаштиряпмиз, таркиб топган сийқа усуллардан воз кечяпмиз. Ўзгартишлар одамларнинг онги ва психологиясига, уларнинг манфаатларига, жамиятдаги, меҳнат коллективларидаги мавқеига дахл қилмоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ — ҳатто кўпгина яхши кишилар ҳам ўтмишда хилофликлар ва камчиликларга кўникиб қолган эдилар, уларга бефарқ қарар эдилар, ўзларининг социал активлигини пасайтириб юборган эдилар. Кўп кишилар бошланган ўзгартишларнинг моҳиятини дарров тушуниб олмадилар, қайта қуриш турмушда янги мақсадлар очишини, уларнинг ўзларини юксалтиришини, уларнинг моддий ва маънавий манфаатларига тўла-тўкис мос келишини дарров кўрмадилар. Қайта қуриш меҳнатига муносиб, виждонан яшамаганларга, ёмон ишлаганларга нисбатан алоҳида талаб қўяди. Бу ўринда мен социалистик жамият қонунларини ва ахлоқини очиқдан-очиқ бузганлар ҳақида гапираётганим йўқ.

Биз иш кўраётган мураккаб сиёсий ва мафкуравий вазият мана шундай: Партия кўпинча ишлаб чиқаришда ҳам, маънавий соҳада ҳам қайта қуришда том маънода кураш олиб боришга мажбур бўлмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, биздаги бу кураш синфий антагонизмлар тусини олаётгани йўқ. Аммо бу кураш нақадар кескин кечаётганини кўриб турибмиз, ўртоқлар. Қайта қуриш дуч келаётган қийинчиликлар ҳақида қизғин мунозара давом этмоқда, КПСС Марказий Комитети январь ва июнь Пленумларининг новаторлик қарорлари секин, қийинчилик билан турмушга татбиқ этилаётганлиги одамларни ташвишлантирмоқда. Кўп ўн йиллар давомида биринчи марта биз социалистик руҳдаги ҳар хил фикрлар мавжудлигини аниқ-равшан сезиб турибмиз. Бу ҳам одатдаги ҳолат эмас ва бу нарса ҳар хил баҳоланмоқда, уни ўрганиш, таҳлил этиш, ойдинлаштириш керак бўлади. Аммо мана шуларнинг ҳаммаси замиридаги асосий нарсани—қайта қуриш сиёсатини халқ тобора кучли қўллаб-қувватлаётганини кўриб олишимиз керак.

Биз социализмга фойда келтирадиган ишларни қўллаб-қувватлаб келганимизни ва қўллаб-қувватлайверишимизни, халқ манфаатларига зиён етказадиган ҳамма нарсаларни рад қилиб келганимизни ва рад қилаверишимизни айтяпмиз. Баъзи кишиларнинг онгида: айниқса, хўжалик юритишнинг, ижтимоий турмушнинг одат бўлмаган янги усулларини жорий этаётганимизда социализм позицияларидан чекинаётганимиз йўқми, марксизм-ленинизм таълимотининг ўзини ревизия қилаётганимиз йўқми, — деган хавотирлик пайдо бўлди. Ҳозирнинг ўзидаёқ марксизм-ленинизмнинг «ҳимоячилари», социализмга аза тутиб, униси ҳам, буниси ҳам хавф остида қолди, деб ҳисоблаётганлар ҳам пайдо бўлганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бу қаердан келиб чиқмоқда? Бундай хавотирликларнинг сабаби нимада? Назаримизда, гап шундаки, қайта қуришнинг ўзи кўпинча ҳар хил тушунилмоқда. Баъзи кишилар уни яхшими, ёмонми, ҳар ҳолда ишлаб турган мавжуд механизмни сал-пал ремонт қилиш, сиртини бўяш, қайтадан «созлаш» деб билмоқдалар, янги механизмдан ҳали қандай натижа чиқиши маълум эмас, деб ўйламоқдалар. Бошқалар социализм системасининг ўзини таг-туги билан ўзгартиришни талаб қилмоқдалар, халқимиз неча ўн йиллардан бери босиб ўтган йўлни мавҳумликка олиб борадиган нотўғри йўл, деб эълон қилмоқдалар, социализмнинг қадриятларини бутунлай инкор этмоқдалар, буржуа либерализми ва миллатчилиги аслаҳахонасидаги лашлушларни қабул этишни таклиф қилмоқдалар. Учинчилар туб иборабозликка берилиб, социалистик тараққиёт босқичларидан сакраб ўтишга, қайта қуриш мантиқини писанд қилмасликка чақирмоқдалар.

Мен айтган ҳамма гапларда муболаға йўқ, муаммони жўрттага кескинлаштириб кўрсатиш йўқ. Ҳа, мана шу гапларнинг ҳаммаси айтилмоқда. Қайта қуришнинг кўлами, унинг чуқурлашиб бораётганлиги, янги марраларга чиқаётганлиги, бизнинг мақсадларимиз ва режаларимиз реаллиги, улар Ленин ибораси билан айтганда «узоқ муддатни кўзловчи жиддий» мақсадлар ва режалар эканлиги кўпчиликка равшан бўлиб қолган бир пайтда мана шундай вазият вужудга келди.

Принципиал масалалардаги тафаккурни қайтадан ўзгартириш билан боғлиқ бўлган жуда катта қийинчиликларни ҳам эътиборга олмасдан бўлмайди. Тарихда бундай воқеалар бўлган. Ленин ўзининг кооперация планини ишлаб чиқаётганида: «...социализмга қарашимизнинг ҳаммаси тубдан ўзгарганини эътироф қилишга мажбурмиз» деб уқтирган эди. Аммо бундай қилиш учун партия нақадар кўп куч-ғайрат сарфлашига тўғри келганини биламиз. Ўша йиллардаги мунозара бунга далил бўла олади. Лениннинг обрў-эътибори ва даҳоси туфайли социализмга янгича ёндашиш партияда ва мамлакатда қўллаб-қувватланган эди. Ўша давр сабоқларини биз яхши уқиб олишимиз керак. Бу ҳозир бизга ҳаётий заруратдир.

Қайта қуриш бизнинг зиммамизга одат бўлиб қолган баъзи характеристикаларга бошқача назар ташлаш, босиб ўтилган йўлнигина эмас, шу билан бирга келгусидаги йўлни ҳам марксизм-ленинизм классиклари таърифлаб берган тараққиёт мезонлари билан, янги жамият қуриш мақсадлари билан таққослаш мажбуриятини юклайди. Бошқа сўзлар билан айтганда, амалий ҳаракатларимизнинг йўналишларини коммунистларга юз йилдан кўпроқ вақтдан бери йўл-йўриқ кўрсатиб турган асосий йўлчи юлдузлар билан қиёс қилиш мажбуриятини юклайди. Қандайдир урф-одатга риоя этиш билангина тасдиқланган ҳақиқатларни шунчаки такрорламай, балки вужудга келган вазият келтириб чиқарган кўпгина саволларга ўз жавобимизни излашимиз керак.

Мафкуравий фаолият муаммолари, социализм назарияси ва қайта қуриш масалалари шу қадар катта аҳамият касб этаётганининг боиси мана шунда, ўртоқлар. Ғоявий-назарий масалалар бизнинг эътиборимиздан четда қолди, деб бўлмайди. Бу масалалар Марказий Комитетнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, янги таҳрирдаги КПСС Программасида, Марказий Комитет Пленумларининг материалларида, партиянинг бошқа бир қанча ҳужжатларида кенг ёритиб берилди. Назарияга таянмай туриб, мафкуравий жиҳатдан асосламай туриб, экономикада, жамиятнинг сиёсий, социал ва маънавий соҳаларида қайта қуриш вазифасининг ўзини ўртага қўйиб бўлмас эди.

Октябрнинг 70 йиллигига алоқадор ҳужжатларда биз совет халқи босиб ўтган йўлга холисона, вазмин баҳо беришга, совет кишисини қизиқтираётган кўпгина мураккаб масалаларни ёритиб жавоб беришга интилдик. Аммо ҳозир янги талабларни эътиборга олиб, шу масалаларга ёндашиш, улар устидан обдон ишлаш зарурати жуда сезилмоқда ва буни таъкидлаб ўтмоқ керак.

Ўтмиш ва ҳозирги кун тўғрисидаги, ривожланишнинг реал истиқболига эга бўлган тенденциялар ҳақидаги илмий билим билан қуролланган партиягина жамиятда социалистик онг шаклланиши жараёнларига бошчилик қилишга бурчлидир. Партиягина социалистик қурилишнинг янги босқичини унга қайта қуриш киритаётган бутун янгиликни эътиборга олиб, назарий жиҳатдан ёритиб бериши мумкин ва лозим. Ҳақиқатан ҳам социализмга хизмат қиладиган, уни ривожлантириш манфаатларига жавоб берадиган, бизни қандайдир бегона, «қарз олинган» мақсадлар сари эмас, балки социализм сари олға силжитадиган нарсаларни танлаб олиб, бутун жамиятни шу билан қуроллантириш лозим.

Аввало, ўтган даврнинг турғунлиги келтириб чиқарган энг муҳим муаммоларни ҳал этиш муддаоси бизни қайта қуриш заруратига олиб келди, албатта. Аммо қайта қуриш нақадар кенг авж олса, унинг умумийроқ маъноси ва социализм тақдири учун бўлган аҳамияти тобора тушунарлироқ бўлиб бормоқда.

Ҳозир қайта қуриш — совет жамияти тараққиётининг объектив зарур босқичи эканини, унинг моҳияти жамиятни янги сифат ҳолатига ўтказишдан иборат эканлиги тушунчаси қарор топди. Биз ишлаб чиқарувчи кучларда ва ишлаб чиқариш муносабатларида туб ўзгартишларни таъминлашимиз, ижтимоий ва сиёсий структураларни революцион тарзда янгилашимиз, жамиятнинг маънавий, интеллектуал имкониятларини ўстиришимиз керак. Биз ҳозирги шароитда янги тузумнинг ленинча қиёфасини қайта тиклашга, уни иллатлар ва сарқитлардан тозалашга, жамиятни қисиб қўйган ва социализмнинг имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга йўл бермаган жамики тўғоноқлардан халос бўлишга интиляпмиз. Ҳозирги дунёнинг ҳамма реалликларини эътиборга олиб, социалистик жамиятга янги сифат бахш этиш бош вазифадир.

Социализмнинг моҳияти меҳнаткашларнинг ҳокимиятини, инсон, ишчилар синфи, бутун халқнинг фаровонлигини биринчи ўринга қўйишни қарор топтиришдан иборат. Пировард натижада социализмнинг вазифаси инсоннинг эксплуататорлик жамиятига хос социал бегоналашувига, ҳокимиятдан, ишлаб чиқариш воситаларидан, ўз меҳнатининг натижаларидан, маънавий бойликлардан бегоналашувига хотима беришдан иборат.

Октябрь революцияси шу тарихий вазифани ҳал этиш йўлини очди. Меҳнаткашлар ҳокимияти ўрнатилганлиги, ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклиги бекор қилинганлиги, одам одамни эксплуатация қилиши тугатилганлиги бурилиш аҳамиятига эга бўлган принципиал тадбирлар бўлган эди. Социализмнинг энг асосий ғалабалари мана шулардан иборат.

Бутун 70 йил мобайнида партиямиз билан халқимиз социализм ғоясидан илҳом олиб, уни барпо этдилар. Аммо ҳам ички, ҳам ташқи сабаблар тақозоси билан биз янги ижтимоий тузумнинг ленинча принципларини етарлича тўла-тўкис юзага чиқара олмадик. Шахсга сиғиниш, 30-йилларда вужудга келган бошқарувнинг буйруқбозлик - маъмуриятчилик системаси, бюрократик, догматик ва волюнтаристик сохталиклар, бедодликлар 70-йилларнинг оҳири, 80-йилларнинг бошларида эса турғунликка олиб келган ташаббуссизлик ва ишга халақит берувчи ҳолатлар бунга катта халал етказди. Бу ҳолатлар ва улардан қолган ҳамда бизнинг давримизгача етиб келган иллатлар ўтмишда абадул-абад қолиб кетиши керак.

Биз социализмдан, совет кишиларининг авлодлари асос солган социализмнинг таг заминли тиргакларидан чекинаётганимиз йўқми, деган шубҳа—гумонни билдираётган кишиларга жавобимиз ҳам мана шу. Йўқ, биз социализмдан, марксизм-ленинизмдан, халқ курашиб қўлга киритган ва барпо этган нарсаларнинг ҳаммасидан бир қадам ҳам чекинмаймиз. Аммо биз догматик, бюрократик ва волюнтаристик сарқитлардан қатъиян воз кечамиз. Чунки бу сарқитнинг марксизм-ленинизмга ҳам, ҳақиқий социализмга ҳам ҳеч бир алоқаси йўқ.

Ижодий марксизм-ленинизм — доимо ривожланиб борувчи жонли борлиқнинг холисона, чуқур илмий таҳлилидир. Ҳеч нарсадан бўйин товламайдиган, ҳеч нарсани яширмайдиган, ҳеч қандай ҳақиқатдан чўчимайдиган танқидий таҳлилдир. Мана шундай таҳлилгина социализмга манфаат келтиради. Чинакам илмий изланиш учун ҳеч қандай чеклашлар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Назария масалаларини ҳеч қандай декретлар билан ҳал этиб бўлмайди ва декретлар билан ҳал этилмаслиги керак. Фикрларнинг эркин мусобақаси лозим. Бундан ижтимоий тафаккуримиз фақат наф кўради, унинг башорат кучи, бинобарин — партия сиёсатини ишлаб чиқиш учун ишончли асос бўлиб хизмат қила олиш қобилияти кўпаяди.

(Давоми иккинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Марксизм-ленинизм ижтимоий тараққиётни англашга, коммунистик қурилиш практикасига партиявий ёндашувнинг илмий базасидир. Мақсадларнинг инсонпарварлик руҳи, борлиқни баҳолашдаги ижодий негиз, холислик ва ҳалоллик, ўзига нисбатан юксак талабчанлик ва ўзини ўзи танқид шу ёндашувга бутунлай сингиб кетган. Биз ютуқларимизни ва йиғилиб қолган муаммоларни чинакамига ўрганишни, идрок қилишни ҳамда совет жамиятини қайта қуриш ва янгилаш шароитида ишлаш учун сабоқлар чиқариб олишни хоҳлаймиз. Айни шу сабабга кўра, биз ўзимизнинг совет ўтмишимизга шу қадар зўр эътибор билан назар ташлаймиз. Айни шу боисдан ҳам тарих масалалари бизни шу қадар қизиқтиради.

Партия ва совет жамиятининг ҳақиқий, холисона тарихини яратиш ҳақида гапирганимизда нималарни назарда тутамиз? Бу масала у ёки бу кишиларнинг номларини айтишдан, ноҳақ равишда унутиб юборилган кишиларга муносиб баҳо беришдангина иборат эмас (аммо бу ҳам мана шу жуда катта ишнинг муҳим, ажралмас, таъбир жоиз бўлса, инсоний қисмидир). Гап шундаки, халқ ҳаёти ва курашининг тарихи бўла оладиган ҳаққоний ва тўла тарихни ёзмоқ керак. Бу — тарихий тадқиқотларнинг марксча-ленинча методологиясидаги асосий масаладир.

Агар шу методологияга амал қилинадиган бўлса, миллионлаб кишилар қандай яшаганликлари, қандай меҳнат қилганликларини, нималарга ишонганликларини, ғалабалар ва муваффақиятсизликлар, кашфиётлар ва хатоликлар, порлоқ ишлар ва фожиали воқеалар, омманинг революцион ғайрат-шижоати ва социалистик қонунни бузиш ҳоллари, баъзан эса жиноятлар айни бир вақтда қандай содир бўлганини яққол кўрсатиб бериш керак. Бу эса тарихга халқ оммаси фаолиятининг натижаси деб илмий, материалистик қарашнинг ўзи бўлади. Бу тарихни бир ёқламаликдан халос этиб, диалектик тушунишнинг ўзи, айрим жиҳатларни бўрттириб кўрсатмай, тарихнинг бутун хилма-хиллиги, мураккаблиги ва зиддиятлилигини таҳлил этишнинг ўзи бўлади.

Жамият тарихини таҳлил этишга марксча-ленинча ёндашув сабот ва ғайрат билан танқидий фикр юритишни тақозо этади. Бунинг учун вақт, истеъдод ва масъулият керак. Жамоатчиликнинг тоқатсизлигини, ўтмишимизнинг ёпиқ саҳифаларига тезроқ назар ташлаш истаги борлигини тушуниш мумкин. Шундай бўлса-да, бу — пала-партиш чиқишларни, шоша-пиша бирон-бир фикрлар билдиришни оқлай олмайди, бундай қилиш содир бўлган жараёнларнинг бутун мураккаблигини акс эттирмайдиган юзаки хулосаларгагина олиб бориши мумкин. Чинакам илмий тадқиқотлар ўрнига, ҳақиқатни ойдинлаштириш ўрнига, аксинча хиралаштирадиган вақтинчалик хомаки гапларни кенг жамоатчиликка ҳавола этишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бундай фикрни тарк этишимиз керак.

Марказий Комитетга, оммавий ахборот воситаларининг редакцияларига кейинги вақтларда тарихимизга субъективлик билан берилган бир ёқлама баҳолардан ташвишланган кишилардан кўп хатлар келмоқда. Одамлар ярим аср аввалги воқеалар ҳақида бугунги муаммолар каби эҳтирос билан қизғин ёзмоқдалар. Бунинг ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Бу ўринда гап биз учун энг муҳим нарса ҳақида, социализмга муносабат тўғрисида, социализмни тушуниш ҳақида, халқнинг қаҳрамонона зафарлари билан ёнма-ён унга қарши жиноятлар қилиш имконияти қандай туғилганлиги ҳақида бормоқда.

Биз учун қийин бўлган мана шу масала ҳақида нима дейиш мумкин? Социализмнинг моҳиятидан келиб чиқадиган ҳодисаларни уни бузиш ҳодисаларидан, объектив сабаблар тақозоси билан келиб чиққан ҳодисаларни субъектив омил юзага келтирган нарсалардан фарқ қилиш зарур. Минг афсуски, КПСС XX съездидан кейин дарҳол шу позицияларда туриб тарихимизнинг далил-исботли тадқиқоти ўтказилмади. Кейинчалик бу қийин масалаларни умуман четлаб ўтишга интилдилар. Бироқ ғоявий турмушда бўшлиқ бўлмайди. Бу бўшлиқ ё ибтидоий афсоналар билан ёки умуман ёт идеология билан тўлдириб келинди. Осойишта, холисона ишлаш учун шароит яратиш, бу ишнинг ошкоралигини таъминлаш ҳозирги асосий вазифадир, бу ишдаги ошкоралик бошқа ҳамма жиҳатларидан ташқари, тарихимиз масалаларини муҳокама қилишда халқнинг ўзи актив иштирок этишига, демакки уни тарбиялашга, унда тўғри тарихий онгни шакллантиришга ёрдам беради.

Ўртоқлар, ўтмишга шунчаки қизиқиш туфайлигина тарихимизга мурожаат этилмаётганини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Бугунги ишимиз учун, қайта қуриш вазифаларини ҳал этиш учун шундай қилиш ҳаётий зарурдир. Модомики, биз «Социализм кўпроқ бўлсин!» деган шиорни ўртага ташлаган эканмиз, ҳозир қайси қадриятлар ва принципларни ҳақиқатан ҳам социалистик қадриятлар ва принциплар деб ҳисоблашимиз кераклигини синчиклаб билиб олиш зарур.

Социализм янгиланишнинг янги тарихий марраларига чиқиб олди. Бинобарин, ҳамма нарса янгиланмоқда. Тажриба ҳам, назария ҳам. Қайта қуриш айни вақтда шундан аввалги бутун социал-иқтисодий ва маънавий ривожланишимизнинг натижаси ҳам, тўсиққа айланиб қолган ҳамма иллатлардан биз халос бўлаётган бир пайтда «инкорни инкор» қилишнинг ўзига хос бир фазаси ҳамдир.

Башарти қайта қуришнинг маънавий мезонлари олиб кўриладиган бўлса, бу — социалистик қадриятларнинг улкан аҳамиятини ва қадриятлар орасидаги меҳнат аҳлини назарда тутувчи энг муҳим қадриятни ҳамманинг кўз ўнгида тўла-тўкис қайта тиклашга ҳал қилувчи интилишлардан биридир. Социализм қадриятлари ва идеалларидан бюрократизм зангини сидириб ташлаш, шу қадриятлар ва идеаллар ўрнига қўйилмоқчи бўлган жамики ғайриинсонийликдан тозалаш, инсоннинг энг яхши, бунёдкорлик кучларига эрк бериш, шахснинг маънавий равнақини таъминлаш керак.

Қайта қуриш жамиятга одамларни бир сафга тизгандек текислаш йўли билан эмас, балки инсоний имкониятлар, муддаолар, манфаатлар, қобилиятлар хилма-хиллиги асосида амалда бирлаштириш, жипслаштиришга қодир бўлган ғояларни таклиф этмоқда. Қайта қуриш ҳар бир кишининг билими, ақли ва тажрибасига, энг яхши инсоний фазилатларига мўлжалланган. У одамларни турмуш воситаси билан, ижтимоий ўзгартишларда шахсан қатнашиш тажрибаси билан тарбиялаш учун энг кўп имкониятларни очиб беради. Аммо очиб бериш билангина чекланмайди. У шу имкониятлардан аниқ-равшан, амалда фойдаланишни талаб қилади. Қайта қуришнинг моҳияти, аслида, мана шундан иборат.

Хўш, қайта қуришнинг мана шу асосий йўналишидаги ишлар қандай бормоқда? Одамлар амалий экономикани ўрганмоқдалар, демократияни, ошкораликни ўрганмоқдалар. Пассив тарзда эмас, балки хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштиришда амалда қатнашиш орқали ўрганмоқдалар. Партия йиғилишларида, мунозаралар орқали ва оммавий ахборот воситаларидаги фикрлар тўқнашуви орқали, ўз тажрибасида одамлар қайта қуриш нималигини тушуниб олмоқдалар, қайта қуриш улардан ўзлари яшаб, меҳнат қилаётган конкрет шароитларда қандай иш тутишни талаб қилаётганини билиб олмоқдалар.

Турмушнинг ўзи инсонни ўзига мақбул йўлни танлаб олишга ундамоқда. Бригада, цех, бутун корхона коллективининг ишини ташкил этганда, қайси шаклларни танламоқ керак? Меҳнатга қандай ҳақ тўлаш, кимни раҳбар қилиб сайлаш, нимани кимга ишониб топшириш керак? Ёндаш касб эгалари билан қандай муносабатда бўлмоқ керак? Ижтимоий турмушдаги, адабиёт ва санъатдаги янги ҳодисаларга қандай қарамоқ керак? Ёки эски бўлса ҳам, ҳозир одатдан ташқари қирралари маълум бўлиб қолган ҳодисаларга қандай муносабатда бўлмоқ керак? Бундай саволлар оз эмас, улар кун сайин инсон олдида пайдо бўлиб турибди. Ҳозир танлаб олиш зарурати инсоннинг активлигини, мустақиллигини, унинг мулоҳазалари ва ишларини кучайтирмоқда. Бу соҳада ҳали талайгина баҳсли, ёт нарсалар кўпроқ бўлса ҳам майли, лекин соғлом асос, этилган масалаларнинг одилона ҳал этилиши, социализм принципларига мос келадиган нормал кундалик турмуш ўз ишини қилади.

Демократиялаш — энг муҳими, ўртоқлар. Бу — қайта қуриш мақсадларига эришишнинг ҳал қилувчи воситасидир. Демократиялаш социализмнинг ленинча концепцияси моҳиятининг ўзига мос келади. У жамиятимизга Октябрь революциясини амалга оширишдан кўзда тутилган олий мақсадларга эришиш имконини беради. Бутун партияда фақат демократиялаш орқалигина инсон омилини жамият турмуши барча соҳаларини тубдан ўзгартиришга, бошқарув ва ўз-ўзини бошқарувнинг амалдаги жараёнларига тўла-тўкис қўшиб юбориш мумкинлиги равшан англаб олиниши керак. Меҳнаткашларнинг чуқур илдиз отган лоқайдлигига фақат демократиялаш ва ошкоралик орқалигина чек қўйиш ва уларнинг социал-сиёсий активлигига қудратли туртки бериш мумкин. Меҳнаткашларнинг жамият барча ишларида ўзлари манфаатдорлик билан онгли равишда қатнашиши орқалигина социализмнинг инсонпарварлик мақсадларини рўёбга чиқариш мумкин.

Биз ўтмишда назарияда ҳам, айниқса практикада ҳам Лениннинг совет социалистик демократиясига тааллуқли ғоялари, режалари ва амалий тавсиялари нақадар самарадор эканини охиригача уқиб олмаганимиз учун нақадар кўп нарсадан маҳрум бўлганимизни ҳозир чуқур англаб оляпмиз. Мана шуни таъкидлаб ўтиш керак, ўртоқлар. Чунки демократиялаш жараёнларининг миқёсини кўриб жунжикаётган кишиларни шу пайтгача ҳам учратиб турибмиз. Баъзилар асабийлашиб: ишқилиб демократия тартибсизликка айланиб кетмасин-да, деб бизни огоҳлантирмоқдалар. Бироқ, бу кишилар нималардан хавфсираётганлигига тузукроқ назар ташлаб кўринг. Улар жамият учун ҳаётий муҳим бўлган муаммолар хусусида асло хавфсираётганлари йўқ. Асосан улар ўзларининг ғаразли мақсадлари ҳақида жон куйдирмоқдалар. Бошқалар-ку, майлия, айниқса раҳбар составга мансуб партия аъзолари учун бундай қилиш мутлақо номақбул позициядир.

Бошқа ишлардаги каби бу ишда ҳам партия демократизм намунасини кўрсатиши керак. Бу гапни бекорга айтаётганим йўқ. Жуда чуқур илдиз отиб кетган, эски иллатлардан бири — кўпгина партия комитетларининг, улар аппаратининг буйруқбозлик усулларига ружу қилганлиги, ҳаммага кўрсатма беришга, ҳамма учун масалаларни ҳал этишга интилиши нақадар қийинчилик билан бартараф этилаётганини кўриб турибмиз. Бунинг учун қандай усулларни ишга солмаяптилар, дейсиз! Айрим жойлардаги партия органларида, масалан, селектор кенгашларини шу қадар яхши кўриб қолганларки айрим ойларда 40 тагача мана шундай кенгаш ўтказадилар: кечаси соат 11 да биттасини тугатсалар, эртасига эрталаб соат 8 да янгисини бошлайдилар. Ҳар куни мана шундай бўлаверади. Бунинг нима кераги бор? Район ходимлари: райкомнинг биринчи секретари қай алфозда турганлиги ва қўлини чеккасига олиб борганлиги кўриниб туриши учун «обком-райком» телекўпригигина етишмаяпти, деб заҳархандалик билан гапирмоқдалар. Ошкоралик, демократияни қулай доирага жойлаб қўйиш, матбуотни жиловлаш, жамоатчиликнинг фикри билан ҳисоблашмай иш тутиш йўлидаги уринишлар ҳали ҳам кўплаб учраб турибди. Бир жойда турғунлик, хўжасизлик, суиистеъмолларга қарши чиқишга ботинган «хотиржамликка путур етказувчини» қисиб қўядилар. Бошқа жойда — колхозчиларнинг ҳуқуқларига путур етказмоқдалар. Учинчи жойда — раҳбарни сайлашни найрангга айлантириб юбормоқдалар. Тўртинчи жойда эса одамларнинг фикрини менсимай, уларнинг ҳаётий манфаатлари ва ҳуқуқларига зид қарорлар қабул қилмоқдалар. Шубҳасиз, бунда кадрларимизнинг анчагина қисмида кўп йиллар давомида вужудга келган ҳамма нарсани «ўз қўлида ушлаб туриш», барча ишларда олий ҳакамлик қилиш, тазйиқ ўтказиш методи билан ҳаракат қилиш одатлари ўз кучини кўрсатмоқда. Очиғини айтганда, улар бундан бошқа методларни тан олмайдилар. Одамларнинг фаоллиги ортиб бораётганлиги уларни чўчитмоқда.

Шуни қаттиқ уқиб олиш керакки, қайта қуришнинг янги босқичида партия фақат ишнинг демократик методларидан фойдаланиб ўзининг раҳбарлик, авангардлик ролини таъминлаши, оммани туб ўзгартишларга сафарбар этиши мумкин. Биз ташаббускорлик, ижодкорликни, одамларнинг мустақиллигини тўла намоён қила олмаганлигимиз учун кўп нарсани йўқотдик ва ҳозир ҳам қўлдан бой бермоқдамиз. Қайта қуришнинг энг катта, энг қийин, аммо энг муҳим вазифаси айни мана шундадир. Ҳозирги пайтда, муболағасиз, ҳамма нарса ана шу вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ташаббус бўлмаса, одамларнинг ижодкорлиги бўлмаса олға томон ҳеч қандай ҳаракат қилиб бўлмайди, айниқса революцион ўзгартишларни амалга ошириб бўлмайди. Мен бу ҳақда шунинг учун гапирмоқдаманки, амалда ташаббусга салбий муносабатда бўлиш ҳолларига, уни мақбул кўрмасликка тез-тез дуч келинмоқда. Бунинг устига ҳатто кўп ҳолларда ишнинг моҳиятини тушуниб етишга урунишмаяпти, балки ташаббускорни силтаб ташлаш учун атайлаб баҳона қидиришяпти. Ҳозирча бу кенг тарқалган ҳодисадир. Биз бундай аҳволга тоқат қила олмаймиз. Акс ҳолда қайта қуриш силжимай қолади. Биз буни англаб етишимиз ва жамиятимизда ташаббускорликни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашишимиз зарур. Ҳозир бизда ўн минглаб новаторлар, дадил, изланувчан, ташаббускор, янгиликдан чўчимайдиган одамлар бор. Шундай қилиш керакки, эртага уларнинг сони юз минг кишига, эртадан кейин эса миллионга етсин.

Социализм — ташаббускор кишилар жамиятидир. Социализмнинг ўзи ҳам тарихнинг буюк ташаббусидир. Хуллас, ташаббус-тўсқинлик, ҳаётий ноқулайлик кампания эмас, балки тараққиётнинг сўзсиз, муҳим шартидир.

Демократиялаш ва ошкоралик жараёнларини авж олдиришда партия пропагандаси ва агитациясининг оммавий ахборот воситалари роли жуда улкандир. Очиғини айтганда, ўртоқлар, биз пропагандистларимиз, лекторларимиз, идеология ходимларимиз кўп сонли армияси олиб бораётган жуда катта фаолият натижаларига ҳали ҳам ҳасислик билан кўпинча эса камтарона баҳо бермоқдамиз. Аммо партия ғоялари, жамиятни янгилаш ғоялари уларнинг сўзлари орқали одамларнинг ақл-заковати ва қалбига сингмоқда.

Ҳозирги пайтда оммавий ахборот воситалари зиммасига алоҳида масъулият тушмоқда. Шуни айтишим керакки, газеталаримиз, ижтимоий-сиёсий ва бадиий журналларимиз, телевидение, радио, лекция пропагандаси, илғорлар билан, қайта қуриш «иш бошилари» билан бевосита учрашувлар, янги муҳитни вужудга келтириш учун, ақл-идрокни ишга солиш учун, қайта қуришнинг барча жиҳатларига қизиқишни уйғотиш ва хилма-хил фикр-мулоҳазаларни вужудга келтириш учун кўп иш қилди ва қилмоқда.

Матбуот ва телевидение ошкоралик прожекторини қайта қуришга онгли равишда ёки тушуниб етмай ёхуд уқувсизлиги туфайли қаршилик кўрсатаётган кишиларга қаратмоқда. Ташаббускорларни қўллаб-қувватламоқда, уларнинг тажрибасини оммалаштирмоқда, бутун қалб ҳароратини янгича ишлашга сарфлаётган кишиларни, ҳақиқий ишда хато қилишдан чўчимай дадил иш олиб бораётганларни, қайта қуриш авж олиб бориши учун ўзини шахсий масъул деб ҳис этаётганларни адолатсизликдан ҳимоя қилмоқда.

КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган учрашувларда оммавий ахборот воситаларининг бундай ишига ижобий муносабатимиз ҳақида гапириб ўтган эдим. Аммо бу соҳада ҳамма нарса кўнгилдагидек деган маънони билдирмайди. Кўпинча оммавий ахборот воситаларида партия ва халқ ҳал этаётган вазифаларнинг бутун мураккаблигини, янгилигини кўрсатиб бериш маҳорати етишмаяпти. Журналларда, газеталарда баъзида узилишлар бўлмоқда — шов-шувга сабаб бўладиган воқеалардан ўзларини тия олмаяптилар, ҳозирги вақтдаги ва ўтмишдаги воқеаларга юзаки баҳо берилмоқда, гуруҳбозлик белгилари пайдо бўлмоқда. Меҳнат коллективларида, шаҳар ва районларда, областлар ва республикаларда, марказда қайта қуришнинг тажрибаси тўғрисида ҳикоя қилувчи материаллар кўпроқ ёритилаётган бўлса ҳам, аммо улар ҳали етарли эмас. Мураккаб жараён давом этмоқда, у қийинчилик билан, изланишлар билан ўтмоқда, албатта. Аммо биз қайта қуриш муаммоларини ва ижобий натижаларини таҳлил этиб, бу ишни қатъият ва собитқадамлик билан олиб бораверамиз. Оммавий ахборот воситаларининг диққат-эътибори ҳам ана шунга қаратилиши керак.

Ўртоқлар! Демократиялаш жараёни жамиятимизда қонунларга риоя қилиш масаласини кескин қилиб қўймоқда. В. И. Ленин шафқатсизлик билан кураш олиб борган ҳуқуқий нигилизм буйруқбозлик методларини қўлланиш шароитида ғоят оммалашган эди. Зотан, бир томондан ҳаддан ташқари марказлаштириш ва маъмуриятчилик, иккинчи томондан маҳаллийчилик қонунчиликка умуман мос келмайди. Улар учун Шчедрин асаридаги кўнгилда «шаҳар ҳокимларини қонун билан чеклаб қўймаслик тўғрисида» қонун лойиҳасини узоқ вақт пишитиб юрган шаҳар ҳокими психологияси кўпроқ мос келади.

Бундай бошбошдоқлик ва маъмуриятчилик йўлига қайта қуриш қудратли демократик ғов солади, барча органларни, ҳамма кадрларни ўз ҳаракатларини қонунга мунтазам қиёслаб боришга мажбур этади. Кўп кадрлар бундай қилишга кўникмаганлар. Аммо кўникишга тўғри келади. Биз қайта қуришнинг ҳуқуқий воситаларини мустаҳкамлаш йўлини қатъият билан ўтказишимиз ва энг аввало, Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунни ҳамда иқтисодий ислоҳотнинг бошқа қонун-актларини турли-туман идораларнинг йўл-йўриқлари ва кўрсатмалари билан уларни сийқалаштириб юборишдан муҳофаза қилишимиз лозим.

Жамиятни демократиялашни янада чуқурлаштириш йўли социалистик қонунчиликни изчиллик билан мустаҳкамлашни тақозо этади. Халқ ҳокимияти — халқ иродасини ифода этувчи қонунларнинг тўла ва узил-кесил тантанасидир. Шу сабабли мен Пленумимизда айтилган марказдаги ва жойлардаги аҳолининг барча табақаларини, кадрларимизни ўз ичига олувчи ягона комплекс умумдавлат программаси сифатида юридик умумий таълимни ташкил этиш ғоясини қатъий қўллаб-қувватлайман.

Умуман, ўртоқлар, биз чамаси, демократиялаш жараёнлари нақадар салмоқли бўлаётганлиги ва бўлишини, бу жараёнлар партия билан давлат фаолиятига, кадрлар ишига, мамлакатимиздаги барча гражданлар турмуши ва меҳнатига тааллуқли масалаларни қанчалик янгичасига қўяётганлигини ҳали ўзимиз тўла тушуниб етганимиз йўқ. Социалистик жамиятни қатъий демократиялаш зарурлигини тан олмаслик ёки уни тушуниб етмаслик халққа, унинг социализмга садоқатига шубҳа билан қарашдан бошқа нарса эмас.

Революцион ўзгартишлар маданият масалаларига, жамиятнинг маънавий турмушига ҳам муқаррар равишда чуқур дахл қилади.

Кеча ва бугун музокараларда ўртоқлар бу масалани қанчалик кенг кўламда ва манфаатдорлик билан ўртага қўйганликларини эшитиш қувончли бўлди. Халқнинг умумий маданиятини ошириш тўғрисидаги ғамхўрлик Пленумимизда жуда кучли янграйди. Нотиқлар мактабда турли дарсларни ўқитишга вақтни тақсимлаш муносабати билан ҳам, ўрта ва олий таълимнинг сифатини ошириш зарурлиги муносабати билан ҳам, ҳозирги замон техника тараққиётининг эҳтиёжлари муносабати билан ҳам шу ҳақда гапирдилар. Ҳозир адабиёт, санъат, умуман бадиий ижодиёт ўйнаши лозим бўлган роль муносабати билан, турмушдаги маданият муносабати билан ва, ниҳоят, партиявий ишнинг вазифалари муносабати билан ҳам шу ҳақда гапирилди. Масалани шундай қўйиш ҳаққонийдир, зеро одамлар ҳузурига чўчимасдан, дадил пешвоз чиқиш, ҳар қандай муаммоларни муҳокама этиб, улар билан бирга ҳал қилишга тайёрлик — ҳар қандай даражадаги раҳбар маданиятининг белгиси ҳамдир. Пленумда сўзга чиққан кишилар маданиятсиз демократиянинг бўлиши мумкин эмаслиги тўғрисида гапирдилар. Бу ҳақиқатан ҳам шундай.

Ўртоқлар маданият муаммосини миллатлараро муносабатлар билан, ёш авлодда интернационализм туйғусини тарбиялаш билан боғлаганликлари айниқса муҳимдир.

Маданиятсиз, маданиятдан ташқарида ҳеч қандай социализм бўлиши мумкин эмаслиги Улуғ Октябрь ҳали башорат қилинаётган пайтда, унинг арафасидаёқ равшан англаб етилган эди. Ленинча маданий революция программасининг амалга оширилиши жамиятимизни маданий тараққиётнинг мислсиз чўққиларига олиб чиқди, унинг энг муҳим шартларидан бири бўлиб қолди.

Биз қайта қуриш, социалистик жамиятни янгилаш, демократияни кенг ривожлантириш вазифаларини ҳал этаётган ҳозирги пайтда маънавий маданият муаммолари кўп жиҳатдан янгича кўндаланг бўлмоқда. Бизнинг инсонга ҳозирги муносабатимиз, унинг реал қиёфасига, потенциалига, талаб-эҳтиёжларига эътиборимиз ана шу муаммоларнинг янгилигини белгилаб бермоқда, чунки инсон фақат ризқи-рўзи билангина ва ҳатто ҳозирги замон моддий неъматлари билангина яшаб қолмайди. У айниқса ҳақиқат ва виждон билан, адолат ва эркинлик билан, маънавий поклик ва инсонпарварлик билан барҳаётдир. Социализмни ривожлантириш ҳозирги босқичи ҳам маданият муаммоларини янгичасига қўймоқда: социализмни янгилаш бутун дунёда социалистик қадриятларнинг жозибадорлигини яна ҳам ошириб, шу қадриятларни турғунлик, мағрурлик ва маънавий карахтликнинг ҳалокатли оқибатларидан тозалаши ҳозирнинг ўзидаёқ равшандир. Ҳозирги дунё ҳам бу муаммоларни янгичасига қўймоқда: бу дунё мислсиз интенсив муомала, баҳамжиҳат ҳаракат, илм-фан, маданият, ахборот соҳасидаги ҳамкорлик дунёсидир; бу дунё ҳар куни ва ўткир тўқнашувлар, курашлар бўлаётган, аммо илғор умуминсоний қадриятлар билан бир-бирларини бойитаётган дунё ҳамдир.

Фақат яхши парвариш қилинган маданият заминида янги маданий қатлам вужудга келади, деган қадимий ҳақиқат бор. Марксизмнинг ўзи жаҳон маданиятининг бош йўлида вужудга келган. Большевизм улуғ Россия маданиятининг илғор инсонпарварлик анъаналарини ўзига сингдирган. «Эски» маданиятнинг бойлиги ва инсонпарварлиги (В. И. Ленин уни нақадар юксак қадрлаганлигини биз биламиз) жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Революциямизга бошчилик қилган кишилар айни мана шу буюк маданият руҳида тарбияланган эдилар. Ҳозир ҳам биз қайта қуришнинг маданий қатламини дадил, зўр ғайрат билан кўпайтириб, кенгайтиришимиз, ўтмишдошларимиз вужудга келтирган барча маънавий бойликлардан фойдаланиб, уни ривожлантириб боришимиз керак.

Бошқача қилиб айтганда, вазифанинг «Бутун кишилик тараққиётида вужудга келтирилган маданиятни аниқ билиш» орқали ўзини бойитиш тарзида ленинчасига ўртага қўйилиши ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳозирги конкрет шароитда синфийлик ва умумбашарийлик реал диалектикаси ана шунда яққол намоён бўлмоқда.

Биз ўтмишдан чиқариб олишимиз лозим бўлган бош сабоқларнинг бири шундан иборат: модомики, биз экономикада буйруқбозлик — маъмурий усуллардан қатъиян воз кечаётган эканмиз, жамиятнинг маънавий тараққиётида бундай усуллар айниқса номақбулдир. Демократизм, одамларга ишонч, одат тусига кирмаган нарсаларга, изланишларга тоқат қилиш, билимдонлик, ҳайрихоҳлик, ташаббус ва новаторликни рағбатлантириш, истеъдодларни қўллаб-қувватлаш — булар маданият масалаларида, қайта қуришнинг маънавий соҳасида партиявий ишнинг энг муҳим принципларидир.

Партия жамиятимизнинг маънавий соҳасида давом этаётган жараёнлар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, уларга нисбатан билимдонлик билан, олисни кўзлаб муносабатда бўлишга қаратилган қатъий йўлга амал қилиб, бу соҳанинг покланиши ва бойишига, унинг маънавий кучи ва бунёдкорлик потенциали ўсишига кўмаклашмоқда.

Гап соҳадаги жараёнларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, бунда идеологиямиз ва ахлоқимизга хилоф бўлган ҳодисаларга йўл қўйиш тўғрисида бораётгани йўқ. Масалани бундай қўйиш биз учун номақбулдир. Халқ манфаатлари, социализм манфаатлари — қайта қуриш, шу жумладан маънавий соҳада ҳам қайта қуриш мақсадларидир.

Қайта қуриш вазифаларини шундай ҳал этиш зарурки, одамларнинг ташаббуси ва мустақиллиги мумкин қадар кўпроқ рағбатлантириладиган, уларнинг пассивлиги, гражданлик соҳасидаги бетайинлиги, лоқайдлиги, фикрлашдаги номустақиллиги — бюрократик раҳбарлик услубининг мана шу бевосита нуқсонлари бартараф этиладиган бўлсин. Маънавий соҳада ҳам тўсқинлик қилувчи кучлар мавжудлигини кўриш керак. Эҳтимол, бу соҳада тўсқинлик бошқа ҳар қандай соҳадагига қараганда ҳатто кучлироқдир.

Ҳа, кимларгадир эскичасига яшаш осон, жўн, одатдагидекдир. Шундайлар ҳам борки, улар ҳаддан ташқари кўп нарсани кутишгандир, бир варакайига ҳамма нарсани ўзгартириб ташлашга эришишни исташгандир. Аммо мўъжизалар бўлмайди. Бизнинг вазифаларимиз улкан ва мураккабдир. Қайта қуриш — иш, иш ва яна бир карра ишдир. Қаттиқ, мардона, кундалик ишдир. Буни англаш, қайта қуришнинг муваффақияти учун масъулиятни ҳис этиш — маънавий ривожланиш йўлида ҳам олға томон қадам қўйиш демакдир. Совет кишилари, совет зиёлилари буни тушунмоқдалар, ўзларининг ҳозиржавобликларини, партия мақсадларини қўллаб-қувватлаётганликларини амалий иш билан тасдиқламоқдалар.

Биз зиёлиларнинг қайта қуришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, давримизни ғоявий-назарий жиҳатдан идрок этишга, мамлакатнинг ижтимоий онгини ривожлантиришга, совет кишиларининг режалари, ҳис-туйғулари, муддаолари ва ўй-фикрларининг бутун бойлигини бадиий тарзда ифода этишга қўшаётган ҳиссасини кўриб турибмиз ва қадрламоқдамиз. Жўшқин давримизга муносиб асарларни сизлар билан бирга ўқишимизга, кўришимиз ва эшитишимизга ишончим комил.

Кўп миллатлилик — маданиятимизнинг нодир хусусиятидир. Биз бу ҳақда тез-тез ва одатдагидек гапирамиз, аммо уни қадрлашга ҳали батамом ўрганганимиз йўқ чоғи. СССР халқлари тарихий тақдирнинг муштараклиги билан боғлиқдирлар. Бу тақдир энг оғир синовлардан ўтган биродарлигимиз ва қардошлигимизнинг негизидир. Қардош халқлар ва бутун инсониятнинг маънавий тажрибаси билан бойиган миллий маданиятларнинг эркин ривожланиши — куч-қудратимиз манбаидир.

Ҳар бир халқнинг қадр-қиммати, шон-шарафи, маданияти, тили ва тарихи чуқур ҳурмат қилинган, улар ўртасида кенг мулоқотда бўлинган тақдирдагина чинакам интернационализм, халқларнинг чинакам дўстлиги бўлиши мумкин. Биз миллий маданиятлар мулоқотини янада кенгайтиришга, улар бир-бирларини бойитишига, миллий маданиятларни ривожлантириш ва гуллаб-яшнатишга ҳар томонлама кўмаклашишимиз лозим.

Совет ватанпарварлиги — бизнинг ғоят буюк бойлигимиз. Миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишлари унга зиддир. Ҳар қандай шаклдаги миллатчилик сўқир бўлиб, ўзини-ўзи яккалашга уринишлар маънавий боши берк кўчага олиб боради, холос. Социалистик революциянинг кўламларини, улуғворлигини ва инсоний конкретлигини, партия билан халқнинг социализм учун, социалистик Ватанни ҳимоя қилиш учун олиб борган курашининг бутун ҳақиқатини ва қаҳрамонона мазмунини билиш ҳамда уни тушуниб етиш совет ватанпарварлигининг туб моҳиятидир. Бу ўринда биз ғоят муҳим масалага — ҳар бир халқнинг миллий ғурури ва миллий бойлигини социалистик жамият интернационализми билан революция ва Совет ҳокимияти орқали бирлаштириш масаласига яқинлашмоқдамиз.

Хуллас, ҳозирги босқичда миллий сиёсат билан ғоят асосли равишда шуғулланмоғимиз лозим. Барча соҳаларда — назарияда ҳам, амалиётда ҳам шуғулланишимиз зарур. Бу — жамиятимизнинг ғоят принципиал ҳаётий масаласидир. Марказий Комитет Пленумларидан бирини миллий сиёсат проблемаларига бағишлашимиз лозим, деб ўйлайман.

Пленумда сўзга чиқиб, маданият, идеология масалаларида енгилтакликка йўл қўймаслик тўғрисида ҳам гапирган ўртоқлар фикрига қўшилмоқчиман. Биз маънавий соҳада ҳам, эҳтимолки, биринчи навбатда айни шу соҳада ўзимизнинг марксча-ленинча принципларимизга амал қилиб иш кўришимиз лозим. Ўртоқлар, биз ҳар қандай важ-карсон бўлганда ҳам ўз принципларимиздан воз кечмаслигимиз керак. Ленин таълим берганидек, энг тўғри сиёсат — принципиал сиёсатдир.

Ўртоқлар! Туб иқтисодий ислоҳот жуда янги муаммоларни, жумладан, ўрганишни ва ҳал этишни талаб қиладиган мафкуравий муаммоларни олдимизга кўндаланг қилиб қўйди. Ҳозир бизда туб иқтисодий ислоҳот авж олиб бормоқда, халқ хўжалигининг деярли ҳамма соҳаларини ўз ичига олмоқда, деб айта оламиз. Планлаштириш, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш, ўзини-ўзи бошқариш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги методларини оммавий ўзлаштириш бошланди. Бошқарувнинг ташкилий структуралари қайта қурилмоқда. Экономикадаги вазиятнинг янгилиги шундан иборатки, турли тармоқларда кооперация, якка тартибдаги меҳнат фаолияти авж олиб бормоқда. Аслини олганда социалистик экономиканинг кооператив сектори шаклланиши янги негизда ривожланиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси бошқариш ва хўжалик юритиш принципларига ҳам, иқтисодий муносабатларнинг бутун системасини ташкил этишга ҳам муҳим ўзгартишлар киритмоқда. Эндиликда муҳтож корхоналар давлат илтифотига умид қилмаслиги керак. Аввало, ўз кучига, янада самаралироқ хўжалик ечимларини излашга, фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этишга, кадрларнинг юксак малакаси ва билимдонлигига, меҳнаткашларнинг ташаббусига таянмоқ лозим. Биз, ўртоқлар, одамларнинг ишга муносабати ўзгариб бораётганлигининг шоҳиди бўлиб турибмиз, улар меҳнат ва моддий ресурслар қадрини яхшироқ англамоқдалар, улардан тежаб-тергаб, самарали фойдаланмай туриб, юксак пировард натижаларга эришиб бўлмаслигини тушуниб етмоқдалар. Эскича ёндашувлар билан, ўз бурчларини бажаришга эскича муносабат билан янги вазифаларни уддалаб бўлмаслигини одамлар тушуниб етмоқдалар.

Биз хўжалик ҳисобини жорий этишга эндигина киришмоқдамиз, албатта. Унинг системаси такомиллаштириб борилаверади. Келгусида ишлаб чиқариш воситаларининг улгуржи савдосига ўтилади, бевосита алоқалар, кооперация ривожлантирилади, нарх-наво белгиланиши ислоҳ қилинади. Биз буларнинг ҳаммасини амалга оширишимиз, ўзлаштиришимиз ва мустаҳкамлашимиз лозим. Аммо хўжалик ҳисобини ҳатто ҳозирги кўринишда жорий этишнинг ўзи ҳам бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди ва келтириб чиқармоқда, тўсиқларга дуч келмоқда, ҳали узил-кесил синдириб ташланмаган тўсқинлик қилиш механизми турли жиҳатларини намоён этмоқда.

Чоғимда, биз ислоҳотнинг асосий масалаларини равшанлаштириб олдик, Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунни ишлаб чиқиб, умумхалқ муҳокамасидан ўтказиб қабул қилдик. Эндиликда қонунда белгилаб қўйилган қоидалардан сал бўлса-да чекинишга йўл қўймай ҳаракат қилиш лозим. Аммо, ҳаётда биз ҳозирча марказда ҳам, жойларда ҳам кўпинча эскичасига иш тутилаётганлигига, халқ хўжалигини эски методлар билан бошқаришга уринилаётганлигига дуч келмоқдамиз.

Марказда ҳали ҳам ялпи кўрсаткичларга ёпишиб олишган, давлат буюртмалари орқали маъмуриятчилик қилинмоқда, хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини буйруқбозликнинг яширин формаларига айлантиришга уриниш ҳоллари юз бермоқда. Давлат корхонаси тўғрисидаги Қонунни бузиб, меҳнат коллективларининг фикри билан ҳисоблашмай, ресурслар базаси ва ишлаб чиқариш қувватлари билан тегишли тарзда мувофиқлаштирмай туриб, топшириқлар бериш фактлари мавжуд.

Корхоналар даражасида кўпларнинг хўжалик ҳисоби шароитида фаолият юритишга тайёр эмаслиги равшан бўлиб қолди, ҳозирча катта имкониятлар ва кенг ҳуқуқлардан кам фойдаланилмоқда, кўпчилик хўжалик кадрлари кутиб турибди, нималаргадир умид қилишмоқда, хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштириш ишига секинлик билан қўшилмоқдалар. Эскиликка садоқат шу қадар кучлики, талаб этилаётган керакли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириб, катта даромад олиш имконияти бўлса ҳам бундай имкониятдан фойдаланмаяптилар, моддий фаровонликка эришишдан кўра, хотиржам яшашни афзал кўрмоқдалар. Эҳтимол бунинг сабаби бир қанча ҳолларда иқтисодий нормативларнинг кўнгилдагидек эмаслигидадир. Аммо энг асосий сабаб таркиб топган психологияда, жавобгарликдан чўчишда, баъзан эса уқувсизликдадир.

Бундай ҳодисаларни маълум даражада тушуниш мумкин албатта, ўртоқлар. Чунки, корхоналарни хўжалик ҳисобига ўтказиш реал жараёни эндигина бошланди. Буни тушуниш мумкин. Аммо, башарти биз бундай кайфиятларни бартараф этмасак, хўжалик юритишнинг янги методларига муносабатни тубдан ўзгартирмасак, унда иш ҳам кўнгилдагидек бормаслигини ўз вақтида огоҳлантириб қўйиш керакка ўхшайди.

Кооператив ҳаракатини, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, коллектив, оила пудратини ҳамда пудратнинг бошқа турларини ривожлантириш кўпгина муаммоларни вужудга келтирди. Бу катта ишда ҳамма нарса силлиқ бормаётганлиги, суиистеъмоллар ҳам мавжудлиги сабабли гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда хўжалик юритишнинг ана шу формаларини жорий этиш қанчалик қонунийлиги ҳақидаги масала кўтарилмоқда. Ана шу муҳим социал иқтисодий жараёнга сунъий тўсқинлик қилинаётганлиги фактлари мавжуд.

Бунда нималар дейиш керак? Биз осойишта ва ишончлик билан тажриба орттириб, чайқовчилик муддаоларининг пайини қирқиб, аввало иқтисодий, солиқ методлари, ниҳоят, ошкоралик билан ҳаракат қилишимиз керак. Бунда битта — социалистик принцип мавжуд: кооператив ва шахсий даромадлар меҳнат билан топилиши ҳамма жойда бўлгани каби меҳнатнинг миқдори ва сифати билан белгиланиши лозим.

Бошқаришнинг ташкилий структураларини такомиллаштиришда ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда. Бундай ўзгаришлар етилган, зарурийдир, чунки улар экономикага раҳбарлик қилишнинг мерос бўлиб қолган маъмуриятчилик - буйруқбозлик методларини бартараф этишга қаратилган. Аммо бу соҳада область, республика, Иттифоқ даражасида ҳам эскича ёндашувлар ўз ўрнини осонликча бўшатиб бераётгани йўқ.

Ўртоқлар, буларнинг ҳаммаси вазиятни қийинлаштирмоқда, эҳтиросларни, фикр-мулоҳазалар курашини авж олдирмоқда, очиғини айтамиз, ишлаб чиқариш соҳасида ҳам, идеология соҳасида ҳам маълум кескинликни вужудга келтирмоқда. Баъзи бировлар юз бераётган ўзгаришларни тўла тушуниб етиб, одамларнинг ташаббусига, уларнинг омилкорлигига таяниб, хўжалик юритишнинг янги методлари йўлидан дадил олға бормоқдалар, ислоҳотга ўз ижодий ҳиссаларини қўшмоқдалар, бошқалар эса умумий ҳаракатдан четда қолишни истамайдилар, лекин ҳамма ишни, юмшоқроқ қилиб айтганда, четда қолмасликка ҳаракат қилишга ўхшатиб олиб бормоқдалар, чала-чатти чора-тадбирлар билан чекланиб қолмоқдалар. Бу аҳволни мутлақо оқлаб бўлмайди. Аслида ислоҳотга қарши одамлар ҳам борлигини, улар хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини жорий этишни атайлаб пайсалга солаётганликларини, бу методларни обрўсизлантиришга ҳар томонлама уриниб, бунда объектив сабабларни, ҳатто меҳнаткашларнинг фикрларини баҳона қилиб кўрсатаётганликларини ҳам ҳисобга олиш керак, албатта.

(Давоми учинчи бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

Шу муносабат билан нима дейиш мумкин? Биз туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишни улкан сиёсий вазифа қилиб қўйдик. Мамлакатимизнинг социал-иқтисодий тараққиёт чўққиларига чиқиб олиши шу вазифанинг муваффақиятли бажарилишига боғлиқ. Бу соҳада чекиниш бўлиши мумкин эмас. Бунинг устига чекинадиган жойнинг ўзи ҳам йўқ. Бу соҳада ҳамма фаол ва собитқадамлик билан ҳаракат қилиши лозим. Ярим йўлда ёки унинг бошланишида тўхтаб қолишимизга йўл қўйиб бўлмайди. Олға томон ҳаракат қилишимиз керак. Ана шундан келиб чиқиб, барча идоралар, партия, совет, хўжалик кадрлари позициясига ва ҳатто айтиш мумкинки меҳнат коллективлари позицияларига баҳо бериш керак.

Мен бу масалани янада кенгроқ қўймоқчиман, чунки иқтисодий ислоҳот ижтимоий система сифатида социализмни ўзгартириш, янгилашнинг, унга янада замонавий ва жўшқин тус беришнинг ажралмас қисмидир. Иқтисодий ислоҳот фан-техника тараққиёти учун, хўжаликни планли юритишнинг имкониятларини одамларнинг шахсий манфаатлари, ташаббуси, омилкорлиги билан боғлаш, ижтимоий мулк, хўжалик юритиш ва бошқариш методларини инсон амалда ўзини ишлаб чиқаришнинг чинакам хўжайини деб ҳис этадиган шаклга солиш учун зарур шарт-шароитларни ва қудратли омилларни яратиши керак.

Илмий таҳлил ва амалий тажриба шунга ишончимизни комил қилдики, корхоналарни хўжалик ҳисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўзини-ўзи бошқариш принципларига ўтказиш йўлида ана шу вазифаларнинг ҳаммасини бир-бири билан узвий боғлиқ ва яхлит ҳолда муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Бу — жамият, коллектив ва шахс манфаатларини уйғунлаштириш йўли бўлиб, унда ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши гарантияланади ва айни вақтда ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларидан меҳнаткашларнинг ўзлари манфаатдор бўлиши таъминланади. Бу — текисчилик, тайёрга айёрликни бартараф этиш йўли бўлиб, биз ана шу иллатлардан жуда катта зарар кўрганмиз. Бу — социал муаммоларни тезроқ ҳал этиш йўли бўлиб, у айрим кишилар ва бутун коллективларга бевосита дахлдордир, интизомни мустаҳкамлаш ва самарадорликни оширишга кўмаклашади. Бу — демократияни чуқурлаштириш, бошқаришда меҳнаткашларнинг иштирок этиши учун одамларнинг иқтисодий жараён ва унинг натижаларидан четда туришини бартараф этиш учун реал иқтисодий негиздир.

Иқтисодий ислоҳотни кенг авж олдириш босқичида социал адолат масаласи янада кескин тус олди. Бу муаммо етарли даражада равшанлаштирилгандек туюлган эди — социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» деган асосий принципига қатъий риоя қилиш йўлидан изчил бораверish керак. Ҳақиқатан ҳам шундай. Лекин амалда эса, яширишга ҳожат йўқ, ҳатто ўз тасаввурларимизда ҳам ҳали текисчилик психологиясидан узил-кесил қутилганимизча йўқ.

Кўпгина кишилар ҳозир ҳам фақат ишга чиққанлиги учун маош олаётганлиги ҳамда реал меҳнат ҳиссаси ҳисобга олинмаган ҳолда лавозимни эгаллаб турганлиги сир бўлмаса керак. Энг ажабланарли томони шундаки, бу аҳвол ҳеч кимни ташвишга солмаяпти. Мана энди хўжалик ҳисобига ўтган коллективлардаги одамлар меҳнатнинг пировард натижаларини ошириш ҳисобига иш ҳақини кўпайтиришга эришишлари биланоқ норозиликлар пайдо бўлмоқда, жуда кўп ҳақ олишяпти, деган норозилик овозлари эшитилмоқда. Аммо социализмда масала фақат шу тарзда қўйилади: «кўп» ёки «кам» эмас, балки «ишлаб топилган» ёки «ишлаб топилмаган». Меҳнатнинг миқдори ва сифатига баҳо бериш илмий жиҳатдан асосланган, амалда текширилган мезонларга таяниши лозимлиги эса бошқа гап.

Умуман, ўртоқлар, биз текисчилик ёндашувларини таг-томири билан тугатиш муаммоси билан асосли равишда шуғулланишимиз лозим. Бу ғоят муҳим социал-иқтисодий ва мафкуравий муаммодир. Текисчилик ўз моҳияти жиҳатидан фақат экономикага эмас, шу билан бирга ахлоққа ҳам, одамларнинг бутун фикри-зикри ва ҳаракатларига ҳам салбий таъсир ўтказмоқда. У ҳалол ва ижодий меҳнат обрўсини пасайтиради, интизомни бўшаштиради, малакани оширишга қизиқишни камайтиради, меҳнатда мусобақалашувга, беллашувга зарба уради. Биз текисчилик — марксизм-ленинизмга, илмий-социализмга мутлақо дахлдор бўлмаган, майда буржуа қарашларининг иникосидир, деб очиғини айтишимиз керак. Башарти, биз текисчилик ҳозиргача сақланиб қолган ҳамма жойларда бундай қарашларни узил-кесил суғуриб улоқтириб ташламасак, олға томон ҳаракат қила олмаймиз, қайта қуриш вазифаларини уддалай олмаймиз.

Ҳа, социализм — социал гарантиялар жамияти бўлиб, у инсонни ҳаётий қийинчиликлар ва мусибатларга ташлаб қўймайди. Совет кишиларининг социал муҳофазаси хусусий мулкчилик ва эксплуатация тугатилганлигига, меҳнаткашларнинг ҳокимиятига асосланади. Инсоннинг социал муҳофазаси принциплари қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган. Кўп йиллик практикамизда исботланган. Мамлакатимизда энг муҳим социал гарантиялар — уй-жойли бўлиш, иш билан таъминланиш, бепул таълим ва медицина хизмати ҳуқуқларининг социал гарантиялари вужудга келтирилган.

Бу соҳадаги барча мавжуд камчиликлар ва етишмовчиликларга қарамай, бу ғалабаларнинг принципиал аҳамияти шак-шубҳасиздир. Бироқ жамиятда социал муҳофаза даражаси миллий бойлик салмоғига, миллий бойлик эса ўз навбатида социализмнинг «Ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша» принципи тўғри ва изчил қўлланилишига боғлиқдир. Ана шу принципга мувофиқ, одамнинг фаровонлиги, турмуш шароити унинг қобилияти, истеъдоди ишга солинишига, унинг умумий ишга қўшган хиссасига бевосита боғлиқдир. Социализм ҳаётийлигининг негизи ана шундадир. Ҳар бир меҳнаткашнинг айни истеъдодига ва унинг мамлакат ижтимоий бойлигига қўшган конкрет ҳиссасига боғлиқ бўлади. Шу билан бирга биз ҳар қандай юлғичлик муддаолари қаерда намойиш бўлишидан қатъи назар уларнинг пайини қатъиян қирқишимиз керак. Қонунларимиз ҳамда мавжуд нормалар доирасидаги ҳалол ва виждонан қилинадиган меҳнатгина моддий жиҳатдан юксак тақдирланиб, жамоатчилик томонидан эътироф этилиши мумкин.

Ўртоқлар! Экономикани ривожлантириш соҳасидаги режаларимиз жуда катта. Улар сизларга маълум. Аммо бутун кучни ана шу кенг кўламли ишларни авж олдиришга сарфлар эканмиз, халқнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларидан ажралиб қолмаслик керак.

Эслатиб ўтаман, биз қайта қуришнинг ўзини ғоят зарур, ҳаётий муҳим муаммолар тазйиқи билан бошладик. 80-йилларнинг бошларида мамлакатимизда юз берган вазиятга баҳо беришни кўп марта такрорлашимга тўғри келди. Яна баъзи мулоҳазаларни илова қилмоқчиман. Маълумки, бизда иқтисодий ривожланиш суръатлари пасайиб мушкул нуқтага етиб қолган эди. Аммо ана шу суръатларга ҳам, ҳозир маълум бўлишича, кўп жиҳатдан носоғлом негизда, савдо омиллари билан эришилган эди. Мен жаҳон бозорида ўша вақтдаги юқори нархларда нефть билан савдо қилишни, спиртли ичимликлар сотишни асоссиз равишда жадаллаштиришни кўзда тутяпман. Иқтисодий кўрсаткичлар ана шу омиллар таъсиридан тозаланадиган бўлса, аслида тўртта беш йиллик давомида биз миллий даромадимизнинг мутлоқ ўсишига эришмадик, 80-йилларнинг бошларида эса миллий даромад ҳатто камая бошлади. Реал манзара ана шундай, ўртоқлар! Эндигина экономика соғлом негизда ривожлана бошлади.

Ўтмишда содир бўлган вазиятнинг оқибатларини биз ҳамон кучли тарзда сезиб турибмиз. Ҳозир жаҳон бозори коньюктураси ўзгариб, ёқилғи-энергетика ресурслари нархи тушиб кетган пайтда, аҳолининг социал сиҳат-саломатлигини ўйлаб, биз вино-арақ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотишни камайтиришга мажбур бўлганимизда, мамлакат экономикаси ниҳоятда жиддий молиявий проблемага дуч келди. Сўнгги уч йил мобайнида спиртли ичимликлар сотишни қисқартириш натижасида давлатга 37 миллиард сўмдан кўпроқ пул топширилмади. Бундан ташқари, 1987 йилда 1985 йилдагига нисбатан чет мамлакатлар товарларини сотишдан келадиган тушумлар 9 миллиард сўмлик камайди. Чунки, биз валюта етишмаётганлиги сабабли бундай товарлар харид қилишни чеклаб қўйишга мажбур бўлдик.

Вужудга келган вазият биздан айни вақтда икки йўналишда — туб иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда ва жорий иқтисодий вазиятни соғломлаштириш, аҳолининг энг муҳим эҳтиёжларини қондиришда жуда катта, айтишим мумкинки, фавқулодда куч-ғайрат сарфлашни талаб этди.

Марказий Комитетнинг июнь Пленумида барча проблемалар жумласидан биз, биринчи галдаги проблемаларни — озиқ-овқат, уй-жой ва аҳолини зарур товарлар ва хизматлар билан таъминлаш проблемасини ажратиб олганлигимиз ёдингизда бор. Қарорларимиз мамлакат, республикалар, ўлкалар, областлар миқёсида амалий ишлар билан қай тариқа мустаҳкамланмоқда? Буни партия билиши, халқ билиши керак, ўртоқлар.

Аввало, озиқ-овқат ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили мобайнида доннинг ялпи ҳосили 17 процент кўпайди. Гўшт етиштириш ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик гўшт етиштиришга нисбатан 2,1 миллион тонна ёки 13 процент, сут етиштириш 8,2 миллион тонна ёки 9 процент, тухум етиштириш 7 миллиард дона ёки 9,4 процент кўпайди. Кўриниб турибдики, ўсиш бор. Бу эса озиқ-овқат билан таъминлашни бир мунча яхшилади. Валюта тушумлари камайганлиги сабабли бундай маҳсулотларни чет элдан олиш қисқарганига қарамай, таъминот бир қадар яхшиланди. Лекин озиқ-овқат ресурсларининг аҳволи бизни қаноатлантирмайди, ва биз бу ресурсларни тобора кўпайтириб боришимиз керак. Бу соҳада катта резервлар бор, аммо улардан турлича фойдаланилмоқда.

Бир томондан, сўнгги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш сезиларли тарзда кўпайган қатор республика ва областлар бор. Масалан, ҳали яқингача ҳам Орел областининг қишлоқ хўжалиги ўз тараққиётида жиддий қолоқликка йўл қўйган эди. Лекин кейинги вақтда бу ерда яхшилик томон ўзгаришлар рўй бермоқда. Область хўжаликларида меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг самарали формаларидан фойдаланишга катта эътибор бердилар. Амалда бутун деҳқончиликда пудратнинг коллектив, ижара, оилавий ва якка тартибдаги турли-туман хиллари тўла жорий этилди. Чорвачиликда ҳам ишнинг пудрат принципларига ўтиш ниҳоясига етмоқда. Қишлоқларнинг социал тараққиётига илгаригидан кўпроқ эътибор берилмоқда. Ўтган йили областнинг қолоқ хўжаликларида ўртача 50—100 тадан квартира, мактабларда 40 ўқувчига мўлжалланган янги ўринлар, мактабгача тарбия болалар муассасаларида 43 тадан янги ўрин фойдаланишга топширилди. Бу қишлоқларнинг кадрлар билан таъминланишини яхшилашга, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулдорлигининг ошиши учун шарт-шароитлар яратилишига имкон берди. Натижада 1986—1987 йилларда қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ўтган беш йилликдаги ўртача йиллик даражага нисбатан 18 процент, меҳнат унумдорлиги эса 27 процент кўпайди. Планга қўшимча тарзда маҳсулот етиштирилганлиги туфайли сўнгги икки йил мобайнида маҳаллий таъминот учун гўшт сотиш 33 процент, сут маҳсулотлари сотиш 17 процент кўпайди. Аҳоли ўтказилаётган қайта қуриш самараларини шундоққина сезиб турибди.

Афсуски, ҳамма ерда ҳам иш худди шу тахлитда ташкил этилмаган. Арманистонда, Новосибирск, Воронеж, Ярославль, Кировоград, Кострома, Ростов областларида далалар ва фермаларнинг маҳсулдорлиги, хўжаликлар экономикасининг самараси паст бўлиб турибди. Сут чорвачилигидаги қолоқлик туфайли бу ерда ҳатто маҳаллий таъминот учун сут етказиб бериш план-топшириқларини ҳам бажаришмади. Озарбайжон, Грузия, Ўзбекистон, Чечен-Ингушетия, Одесса, Чоржўй областларида ҳам гўшт таъминотида худди ана шундай аҳвол содир бўлди.

Аҳвол ўзгармоғи учун тайёрга-айёрлик кайфиятига, кўпчилик маҳаллий раҳбар кадрларнинг озиқ-овқат таъминоти масалаларини марказга қайта-қайта илтимослар билан мурожаат этиб, ҳал этишга уринишларига қатъий барҳам бериш керак. Бунда энг муҳими нима? Маъмуриятчиликка, колхоз ва совхозларга буйруқ беришга чек қўйиш лозим. Аграр сектор меҳнаткашларининг ташаббускор, омилкор фаолиятига кенг йўл очиб бериш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг барча самарали усулларидан: колхоз ва совхозларнинг ичида коллектив, ижара пудрати, оилавий пудратдан, шунингдек РАПО доирасида янгича ёндашувлардан актив фойдаланиш керак.

Уй-жой қурилиши ва социал соҳа тараққиётининг айрим масалалари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Сизга маълумки, бу соҳадаги вазифаларни жадал ҳал этиш юзасидан тадбирлар қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Ишнинг дастлабки натижалари қуйидагича бўлди: 1987 йилда маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари эвазига салкам 130 миллион квадрат метр уй-жой қурилди, бу планда кўзда тутилганидан қарийб 2,5 миллион квадрат метр кўп бўлиб, 1986 йил якунларига қараганда, 10 миллион квадрат метр ортиқдир. Бу шундан илгариги йиллардагига нисбатан кўпроқдир. Ўтган йилнинг ўзидагина умумтаълим мактабларини фойдаланишга топшириш 18 процент, мактабгача тарбия муассасаларини фойдаланишга топшириш 7 процент, ҳунар-техника билим юртлари 61 процент, поликлиникалар 17 процент, клублар ва маданият уйлари 36 процент кўпайди.

Мен илгари ҳам Қозоғистон ССРда уй-жой қурилишидаги изланишлар ва натижалар ҳақида гапирган эдим. Қозоғистон қурувчилари ўтган йили яхши ишладилар: йиллик планни улар Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бажардилар. Натижада навбат кутиб турган ҳар беш оиланинг бири квартира олди. Бундай муваффақиятлар туфайли янги вазифа — 1987 йилнинг бошланишига қадар ҳисобга олинган республика меҳнаткашларини 1991 йилгача уй-жой билан таъминлаш вазифасининг ҳал этилиши аниқ бўлиб қолади.

Эстонияда социал соҳани ривожлантириш юзасидан кўп қиррали иш олиб борилмоқда. Бу ерда белгиланган планлар йил сайин барқарор бажарилмоқда, уй-жой билан таъминлашда бу ерда мамлакатда энг юқори кўрсаткичга эришилди, бунга кўп жиҳатдан аҳоли маблағларини омилкорлик билан жалб этиш ёрдам берди. Яна бир муҳим вазифа — қишлоқдаги ҳар бир хўжаликда мактаб, болалар боғча-яслиси, клуб, ошхона бўлиши, бўлганида ҳам уларни замонавий, пишиқ-пухта қуриш юзасидан планли иш олиб борилмоқда. Эстон қурувчиларининг муваффақиятлари улар ихтиёридаги моддий-техника базасининг устун даражада ривожланишига суянаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим.

Марказий Комитетнинг июнь Пленумида кўпгина республикалар ва областларнинг раҳбарлари уй-жой қурилишидаги қолоқлик учун танқид қилингани ёдингизда бор. Ҳозир ҳам шундай ҳоллар мавжуд. Тожикистонда, Россия Федерациясининг бир қанча регионларида, айниқса, Горький, Новосибирск, Пенза, Рязань. Чита областларида ва Доғистонда уй-жой ва социал қурилиш секин бормоқда.

Хўш, ўзи нима бўляпти? Қолоқликнинг асосий сабаблари нимада? Барча дастлабки шарт-шароит аслида бир хиллигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу саволга жавобни аввало, эски касаллик асоратидан — сўз билан иш ўртасидаги фарқдан қидириш лозим бўлади. Ҳамма жойда ҳам дурустгина программалар ишлаб чиқилмоқда, аммо бу программаларни амалга оширишга ҳамма жойда ҳам зарур ташкилотчилик, хўжалик иши билан мустаҳкамланаётгани йўқ.

Яқинда Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг шаҳар ва қишлоқларда якка тартибда уй-жой қуришни ривожлантириш юзасидан қарорини кўриб чиқиб маъқуллади. Белгиланган тадбирларга кўра, ўтмишда мавжуд бўлган асоссиз чеклашларга барҳам берилмоқда ва якка тартибда уй-жой қуриш учун қарз бериш ҳамда уларни бунёд этиш учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтирилмоқда. Бу бизнинг социал программаларимизни амалга оширишда салмоқли улуш бўлиши керак. Энди гап маҳаллий органларнинг якка тартибда уй-жой қурувчиларга зарур эътибор беришида ва керакли ёрдам кўрсатишида қолган.

Умуман, ўртоқлар, кўриб турибсизки, турли тадбирлар кўрилмоқда, бугун улардан активроқ фойдаланиш, шу асосда уй-жой проблемасини тезроқ ҳал этиш, совет кишиларининг турмуши учун яхши шароит яратиб бериш керак. Келинг, ўртоқлар, баҳо беришда муросасиз бўлайлик: уй-жой ва социал-маданий қурилиш планларини бажармасликни кечириб бўлмайди ва ҳеч нарса билан оқлаб ҳам бўлмайди. Топшириқларни барбод этиш фактлари ҳамма ерда ошкора айтилиши ва муҳим социал программанинг бажарилмаслигида айбдор бўлган кишилар меҳнаткашлар ҳузурида жавоб беришлари керак.

Аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишнинг аҳволи жиддий ташвиш туғдирмоқда. Халқ истеъмоли учун товарлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли муайян натижаларга эришилди. Сўнгги икки йил ичида халқ учун саноат товарлари ишлаб чиқариш 16,5 миллиард сўмлик ёки 9,4 процент, шу жумладан, енгил саноатда 3,3 миллиард сўмлик ёки 4 процент кўпайди. Аммо ҳар қалай истеъмол бозоридаги аҳвол кескин бўлиб турибди, аҳолининг харид қобилияти қондирилмаяпти. Ўтган йили саноат халқ учун буюмларни планда кўзда тутилганига нисбатан 3,6 миллиард сўмлик кам тайёрлади. Иттифоқ министрликларига қарашли корхоналар анча миқдордаги маҳсулотни, айниқса, аҳоли ўртасида харидоргир бўлган замонавий техника даражасидаги буюмларни кам етказиб берди. Халқ истеъмоли товарлари сифатида яхшилик томон сезиларли ўзгаришлар амалда содир бўлмади.

Мамлакат экономикасини бошқаришни тубдан қайта қуриш тармоқ министрликларидан жавобгарликни соқит қилмай, одамларнинг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, аҳолининг пул даромадлари билан харажатлари мувозанатини таъминлаш юзасидан амалий иш марказини айни республикалар, ўлкалар, областларга кўчиради. Аҳолига кўрсатилаётган хизматларни кенгайтириш учун моддий-техника базаси айниқса суст оширилмоқда. Ҳар қандай важларни рўкач қилиб, ана шу ҳаётий муҳим проблемаларни ҳал этишда қатнашишдан ўзини четга олишга уринишларга ўткир баҳо берилиши керак.

Яна бир масала хусусида ўйлаб кўриш лозим бўлади: халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун меҳнат коллективлари ва тармоқларни рағбатлантиришнинг биз қабул қилган иқтисодий механизми ҳар томонлама мукаммалми? Бунинг устига товарлар ва хизматлар сони ҳамда сифати проблемасини фақат маъмуриятчилик методлари билан ҳал этишга уринишлар ҳозиргача тузук самара бергани йўқ. Биз бу ўринда йўл қўйилган камчиликларни тан олишдан чўчиб ўтирмаймиз. Аксинча, бу камчиликлар нечоғлик тез илғаб олиниб тузатилса, шу қадар яхши бўлади, шу қадар тез самара оламиз. Фақат битта талабгина ўзгармас бўлиб қолаверади: проблемаларни тез, пайсалга солмай ҳал қилиш керак.

Нутқнинг шу қисмини эшитаётган баъзи ўртоқлар, хўш, бунинг қайта қуриш мафкуравий жиҳатларига қандай дахли бор, деб савол беришлари мумкин. Назаримда, бу ўринда бевосита алоқа бор: одамларнинг бардамлиги ва онги, уларнинг кайфияти, ишга, партия сиёсатига, қайта қуришга муносабати кўп жиҳатдан ана шу вазифаларнинг қандай ҳал этилишига боғлиқдир.

Ўртоқлар! Иқтисодий ислоҳотимиз, демократиялаш ва ошкоралик жараёнларининг ривожланиши, маънавий-ахлоқий муҳитнинг янгиланиши, хуллас, биз революцион қайта қуриш тушунчаси билан боғлиқ қилиб қўяётган ҳамма нарсалар бир буюк ишнинг турли жиҳатларидир. Улар бирбири билан ўзаро мустаҳкам алоқада ва бир-бири билан боғлиқдир, уларнинг бирортасида қайта қуриш бошланар экан, бошқасида уни давом эттириш керак.

Шу сабабли эндиликда биз сиёсий системамизни қайта қуриш зарурлигига яқинлашганлигимиз мутлақо табиийдир, айтишим мумкинки мантиқийдир. Ўз-ўзидан равшанки, гап амалдаги системани алмаштириш тўғрисида эмас, балки унга сифат жиҳатидан янги структура ва элементларни киритиш, унга жамиятимизнинг муваффақиятли ривожланишини таъминлай оладиган янги мазмун ва жўшқинлик бахш этиш тўғрисида бормоқда. Бу масалалар ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимизда кенг ва фаол муҳокама қилинмоқда. Шундай бўлиши тасодифий эмас, чунки қайта қуриш чуқурлашиб бормоқда. У ҳамма соҳаларни ва албатта, жамиятнинг сиёсий системаси каби энг муҳим соҳани ҳам қамраб олиши лозим.

Илгари айтганимдек, XIX партия конференциясига қадар мана шу масалалар хусусида пухта иш олиб боришимиз керак. Сиёсий системамизни ривожлантиришнинг асосий муаммоси — ҳокимият ва бошқарувнинг чинакам таъсирчан демократик контрол пухта йўлга қўйилган, энг муҳим сиёсий, давлат масалаларини ҳал этишда тасодифийлик элементларини ғоят камайтирадиган, яхшиси уларни бутунлай йўққа чиқарадиган тегишли ҳуқуқий тадбирлар ишлаб чиқилган, сиёсий системамизнинг барча «қаватларида» субъективизм имкониятларини истисно этадиган механизмини яратишдан иборат. Принципиал аҳамиятга эга бўлган қарорлар халқнинг фаол иштироки билан ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришиш лозим. Бу эса социалистик демократиямизга мос келади.

Аввало, гап жамиятимиз сиёсий системасининг, унинг давлат ифодасининг ўзаги бўлмиш Советларнинг ролини тубдан ошириш тўғрисида бориши лозим. Социализмнинг демократик принциплари айни шу ерда, Советларни тузишда ва улар ўз вазифаларини бажаришда амалга оширилиши керак. Биз ҳозир маълум маънода Советларнинг Ленин тушунган тарздаги ҳокимиятини қайта тиклаш зарурлиги ҳақида гапирмоқдамиз. Ҳамма даражадаги Советларни давлат ҳокимияти ва бошқаришнинг реал иш олиб борувчи, ташаббускор, тўла ҳуқуқли марказларига айлантириш лозим. Назаримда, бу Советлар қандай тузилиши зарурлигини яхшироқ ўйлаб кўришни тақозо этади. Бинобарин, ҳокимият органларини тузиш жараёни халқнинг фаол иштирокини ҳамда қайта қуриш вазифаларини ҳисобга олган ҳолда Советлар фаолиятини таъминлашга қодир бўлган кишиларни пухта танлаб олишни таъминлаши учун сайлов системамизни такомиллаштириш зарур. Советларда мамлакатимиздаги барча хилма-хилликни, жумладан, миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш керак. СССР Олий Совети фаолияти масалаларини ҳам четлаб ўтмаслигимиз керак, албатта. СССР Олий Советининг ролини Президиумдан тортиб сессиялар ва комиссиялар ҳамда депутатлар фаолиятигача иш самарадорлигини ошириш жиҳатидан қайта идрок этиш зарур бўлади.

Сиёсий системани ислоҳ қилишнинг туб масаласи партия ва давлат органлари вазифаларини чегаралаб қўйишга ҳам тааллуқлидир. Бунда ҳам Ленин ғояларини асос қилиб олиш керак. Партиянинг раҳномолик ва раҳбарлик роли социалистик жамият яшовчанлиги ва ривожланишининг сўзсиз шартидир. Партия сиёсий йўлни назарий жиҳатдан ишлаб чиқади ва тузатиш киритади. У ўзи ишлаб чиққан сиёсатни оммага етказади, оммани ўртага қўйилган вазифаларни амалга оширишга уюштиради ва жипслаштиради, тегишли кадрлар сиёсатини ўтказади. Аслини олганда, жамиятнинг сиёсий авангарди бўлган партиянинг асосий вазифалари ана шулардан иборат. Социализм шароитида партия, унинг фаолияти тўғрисидаги Ленин таълимоти ҳозир қайта қуриш, демократиялаш шароитида тўла ҳажмда қайта тикланиши лозим. Биз Бутуниттифоқ партия конференциясига шу масалалар юзасидан пухта ўйланган, коллектив бўлиб ишлаб чиқилган таклифлар билан боришимиз лозим.

Вужудга келтириладиган сиёсий системани жамоат ташкилотларининг ривожланган системасисиз, уларнинг иши мазмуни ва методларини тубдан ўзгартирмай тасаввур қилиш мумкин эмас. Сиёсий система ҳар бир жамоат ташкилоти замирида ўзига хос хусусиятлари ва манфаатлари билан муайян социал табақалар турганлигини англаб етишга асосланиши лозим. Вазифа уларни баробарлаштириш эмас, балки, аксинча, уларни мумкин қадар тўлароқ аниқлаш, ҳисобга олиш ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилдиришдан иборат. Жамоат ташкилотларининг асосий вазифаси — социал-сиёсий фаолликни ривожлантиришдан, хилма-хил манфаатларни қондиришдан, ижтимоий ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини гражданларга сингдиришдан иборат.

Менимча, марказий органларнинг ваколатлари бир қисмини қуйи органларга топшириш асосида жамоат ташкилотларида маош олиб ишлайдиган ходимларнинг зўравонлигини, ҳамма нарсани олдиндан белгилашни ва бюрократизмни бартараф этишни вазифа қилиб ўртага қўйиш керак. Қуйи ташкилотларни ўзининг ҳар бир қадамини юқори аппарат билан келишиб олиш заруратидан халос этиш лозим.

Ижтимоий структуралар системасини ривожлантиришда турли социал, касб ва бошқа қизиқишларига қараб одамларни бирлаштирувчи бир қанча жамоат ташкилотларини тузиш эҳтиёжи сезилмоқда. Чоғимда давлат органлари фақат жамоат ташкилотларининг иштироки билан ҳал этадиган масалалар доирасини кенгайтириш ўринли бўлур эди.

Социалистик демократизм — табиийки, социалистик принципларимиз ва қадриятларимизга асосланган социал, сиёсий турмуш формаларининг хилма-хиллигидир. Бизнингча, партия конференцияси ишлаб чиқадиган қарорларга мана шу ғоя асос қилиб олиниши керак.

Бу миллий муносабатлар, миллий-давлат қурилиши масалаларига ҳам тааллуқлидир. Биз ҳозир мамлакатимиздаги барча миллатлар ва элатлар миллий онги ўсганлиги ҳақида, миллий ҳис-туйғулар кўринишлари тўғрисида (бундай ҳис-туйғулар баъзан бузилган шаклда намоён бўлмоқда) гапирмоқдамиз. Буларнинг ҳаммаси муҳим масалалар бўлиб, уларни ҳал этиш керак. Республикалар ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш шакллари, уларнинг ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, шу жумладан, марказий давлат органларида уларнинг ваколатлари тўғрисида ўйлаб кўриш керак.

Кўриб турибсизки, кўп муаммолар тўпланиб қолган. Бу соҳада ярим-ёрти чоралар билан чекланиб бўлмайди. Чамаси, олдимизда партия XXVII съездининг, Марказий Комитет Пленумларининг халқнинг социалистик ўзини-ўзи бошқариш ғояларига асосланган, жамиятимизда юз бераётган демократиялаш жараёнларини ҳисобга олган ҳолда сиёсий системани такомиллаштириш юзасидан бўлажак партия конференциясига кенгайтирилган таклифлар тайёрлаш вазифаси турибди.

Энди, ўртоқлар, қайта қуриш идеологиясининг баъзи халқаро жиҳатлари тўғрисида.

Биз ўтмиш тажрибаси ва сабоқларини бошимиздан кечириб, ақл-идрок ва қалбимиз билан ҳис этиб, ўз олдимизга ўзимиз яшаётган жамиятни тушуниб етиш, ўрганиш, англаб олиш вазифасини қўйдик. Халқаро жиҳатдан ҳам биз масалани ана шу тарзда: мамлакатимиз яшаётган атрофдаги дунёни тушуниб етиш, англаб олиш, ўрганиш вазифасини қўйдик. Холисона таҳлил қилиш натижасида биз қайта қуриш ва янги сиёсий тафаккур зарур, деган фикрга келдик. Бу билан ҳозирги замон реалликларини илмий жиҳатдан англашда олдинга ёриб ўтдик ва бу новаторларча жўшқин сиёсатга айланди.

Партия съездидан анча олдин, 1986 йил 15 январдаги Баёнотда биз инсоният омон қолишининг сўзсиз шарти сифатида ядро қуролсиз дунё томон ҳаракат қилиш программасини эълон қилдик. КПСС XXVII съезди асрлар оралиғида тинч-тотув яшаш фалсафасини кенг талқин қилиб, тинчлик ҳамда халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли концепциясини асослаб берди. Бизнинг қуролсизланиш соҳасидаги ташаббусларимиз ва халқаро майдондаги бошқа конкрет қадамларимиз эндиликда бадиҳа эмас, илгари кўпинча бўлгани каби Ғарбнинг у ёки, бу сиёсий юришлари ва ҳаракатларига шунчаки жавоб эмас. Улар мустаҳкам, узоқ муддатли илмий базага эга бўлди.

Шу тариқа Женевага, сўнгра Рейкьявикка ва ниҳоят ядро қуролини қисқартириш тўғрисида Қўшма Штатлар билан олий даражада дастлабки битимни — ўртача ва камроқ олислик ракеталарига оид Шартномани имзолаш учун Вашингтонга йўл очилди. Бу битимнинг аҳамиятига баҳо берар эканмиз, 1985 йил апрель Пленумида бошланган, XXVII съезд назарий ва сиёсий жиҳатдан асослаб берган сиёсатнинг тўғрилигини амалда тасдиқлади, деган фикрга ҳаммамиз қўшиламиз, деб ўйлайман. Биз бундай демоқдамиз: Вашингтонда имзоланган Шартнома — реал қуролсизланишнинг бошланишидир. Биз шундай бўлишини истаймиз. Бу қуролсизланиш давом этиши учун курашаверамиз.

Аммо бу якун ҳамдир. Социалистик мамлакатлар, бошқа тараққийпарвар ва тинчликсевар давлатлар, оммавий жамоат ҳаракатлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати ядро уруши хавфига қарши кураш йўлида сарфланган куч-ғайратларининг якунидир. Атоқли фан, маданият, черков арбоблари активлигининг, уларнинг бирлашуви ва ҳамжиҳатлигининг натижасидир. Бу кўпгина сиёсатчилар, савдо-саноат доиралари, ҳарбий доиралар намояндалари оқилона ва фаол позициясининг натижасидир.

Шартнома тинчлик имкониятлари эришган даражанинг ўзига хос кўрсаткичидир. Бу Шартнома янги тафаккур кишиларнинг ақл-идрокигагина сингиб қолмай, у жаҳон сиёсатига таъсир қила бошлаганининг далили ҳамдир. Ишлаб чиқилган Шартнома тўпланган тажриба жиҳатидан ҳам ибратлидир. Ўзаро манфаатлар ва ташвишланишлар икир-чикиригача ҳисобга олинадиган тенг ҳуқуқли, боринг-ки, қийин, оғир ўтадиган музокаралар самарадорлиги исботланди.

Бироқ Шартноманинг имзоланиши хотиржамлик ва беғамликка берилишга баҳона бўла олмайди. Бу Шартноманинг имзоланиши, айтиш мумкинки, қуролсизланиш ва тинчлик учун курашнинг, шу жумладан, мафкуравий курашнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Шартнома имзолангандан кейин дастлабки хурсандчилик кунларидан кўп вақт ўтмаёқ СССР билан муносабатларни нормаллаштириш рақиблари ўз кучларини Шартнома ратификация қилинишига қарши курашга сафарбар этиб, тўплай бошладилар. Америка маъмурияти сўзининг устидан чиқмоқда. Шартномани ҳимоя қилмоқда. Аммо айни пайтда Советларга қарши, коммунизмга қарши сафсатабозликда ўта ўнг кучларни қувватламоқда. Фақат оғизда эмас, балки «кучайиб бораётган Совет хавфи» деган баҳона билан милитаристик услубдаги муайян ҳаракатларни билан қўллаб-қувватламоқда. Сарҳадларимизда яна иғвогарлик қила бошладилар. АҚШга визит чоғида вужудга келган муҳит баъзи бировларга мутлақо ёқмаяпти.

НАТОнинг Европа қисмидаги милитаристик фаолияти активлиги сезиларли даражада кучайди. Шартномага мувофиқ йўқ қилиб ташланиши лозим бўлган ракеталарнинг «ўрнини тўлдириш»ни уюштиришга шошилмоқдалар. Ядро қуролларининг «бошқа» турларини, айниқса, денгизда ва осмондаги объектларда жойлаштириладиган турларини модернизациялаш ва кўпайтиришни режалаштириб, сурбетлик билан Шартнома бу қуролларни ўз ичига олмайди, деб баҳона қилмоқдалар. Биз ҳатто узоқ келажакда ҳам ядро қуролидан воз кечиш хусусида Лондон, Париждан, НАТОнинг Брюсселдаги қароргоҳидан «йўқ» деб айтилган қатъий жавобларни яна эшитдик. Шартнома ҳамда стратегик қуролларни қисқартиришга оид СССР ва АҚШ музокаралари шанига маъқуллаш сўзлари билан бир қаторда Франция билан Англия ядро қуролини кўпайтиришни ҳеч қачон тўхтатмайди, деган баёнотлар берилмоқда. Мутлақо аксинча. Шартнома имзолангандан кейин НАТО давлатлари икки томонлама ва кўп томонлама ҳарбий интеграция соҳасида кучайиб бораётган активликни намойиш қилмоқдалар. Юқори лавозимдаги арбобларнинг биздаги қайта қуриш хусусида айтаётган ижобий фикрларига «ким билан иш тутаётганингни» унутмаслигинг керак, ҳозирги совет раҳбарияти ўз системасини ўзгартирмоқчи эмас экан, бинобарин, унинг «табассум дипломатияси» шубҳалидир, деган огоҳлантириш билан биргаликда «коммунизмнинг ёйилиши ҳақида»ги сафсаталар қўшилиб кетмоқда. СССР умуман «ишончга лойиқ эмас», бинобарин СССР билан ҳар қандай музокара олиб бориш беҳуда, деб жар солмоқдалар. Советларга қарши ўта реакцион кучлар бирлашмоқда. Ҳар хил «аналитиклар» ва кремлшунослар ҳукуматларга уларни чўчитадиган тавсияномалар тузмоқдалар, жамоатчиликнинг миясини қотириб, башарти қуролсизланиш жараёни давом этадиган бўлса, бунинг оқибатлари Ғарб учун «фалокатли бўлади» деб қўрқитмоқдалар.

Қайта қуриш ва қуролсизланиш масалалари юзасидан идеология курашини бизнинг территориямизга, бизнинг орамизга ўтказишга уринишлар кучайди. «Радио овозлари» совет жамиятида, «Совет раҳбариятида кураш кескинлашмоқда, қайта қуриш ва КПСС-нинг ташқи сиёсий йўлида «оппозиция» вужудга келди ва кучайиб бормоқда» деган иғвогарлик уйдирмаларини тарқатмоқда. Партия ўртага қўйган мақсадларга эришиш мумкинлигига гумонсираш ва ишончсизликни туғдирмоқчи бўляптилар. Социализмга қарши иғвогарлик марказлари фақат Совет Иттифоқига нисбатангина шундай иғвогарликлар билан шуғулланмаётганликларини яхши кўриб турибмиз. Улар социализмни янада такомиллаштириш жўшқин жараёни давом этаётган бошқа социалистик мамлакатларга ҳам қарши қўпорувчилик ишининг янги усулларини шошилинч равишда ишлаб чиқмоқдалар. Улар миллий ўзига хосликни эътиборга олиб, иш кўрмоқ учун мамлакатларнинг ҳар бирига нисбатан ўзига хос усулларни изламоқдалар.

Улар нега ташвишга тушиб қолганликларини биламиз. Қуролсизланиш ҳарбий саноат комплексининг фойдаларига ва шу комплекс теварагида яхшигина кун кўраётганларнинг даромадларига хавф солаётгани учунгина эмас, шу билан бирга социалистик ғояларнинг жозиба кучи қайта тикланишидан, меҳнаткашлар жамияти бўлмиш социализмнинг обрў-эътибори ўсишидан қўрққанликлари сабабли ташвишга тушиб қолдилар. Мамлакатимизга хайрихоҳлик яна кучая бошлаши, Совет Иттифоқи янгидан «кашф этилиши» уларни чўчитмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси «душман образи»ни, демакки, Советларга қарши ва империалистик сиёсатнинг мафкуравий негизларини ҳам қўпоради. Кейинги ўн йиллар мобайнида реакционерларга узлуксиз хизмат қилиб келган нарсалар барбод бўлмоқда. Шу боисдан ҳам СССРнинг ташаббускор, тинчликсевар сиёсати «ўнглар»га ёқмаяпти. Шунинг учун ҳам улар тобора жадаллашиб бораётган қуролсизланиш поездини тўхтатмоқчи бўляптилар. Биз ўзимизнинг мафкуравий ишимизда ва пропагандамизда мана шуларнинг ҳаммасини назарда тутишимиз ва тегишли чора-тадбирлар кўришимиз керак.

Ўртоқлар! Марказий Комитетнинг аввалги Пленумидан кейин ўтган даврда ўртача ва камроқ олислик ракеталари хусусидаги Шартнома билан бир қаторда Афғонистон муаммосини ҳал этиш соҳасида қўйилган қадамлар халқаро тусдаги бошқа бир салмоқли воқеа бўлди. Бу муаммо кўпдан бери совет кишиларининг ҳис-туйғуларига, бутун жамиятимизга чуқур ва бевосита дахлдор бўлиб келмоқда.

(Давоми 4-бетда).

М. С. ГОРБАЧЕВ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-, 2-, 3-бетларда).

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленумидан кейин вазиятни юзхотир қилмай, қаттиқ таҳлил этди ва ўша пайтдаёқ аҳволдан қутилиш йўлларини излай бошлади. Бироқ бу жуда мураккаб маҳаллий можаронинг асосий тугунларини ечиш имконини берадиган муаммоларни амалий равишда ҳал этиш осон иш бўлмади. Афғонистонда 1986 йил охирларида Нажибулло бошчилигидаги чинакам миллий кучлар сиёсат майдонига чиққанидан кейин бунинг учун имконият очилди. Афғонистон мустақил, бетараф, қўшилмаган давлат бўлиб қоладиган тарзда можарони бартараф этиш учун ташқи шарт-шароитлар ҳам вужудга келди. Бу афғон халқининг манфаатларига мос бўлиб тушади. Бу — бизнинг давлат манфаатларимизга ҳам мос бўлиб тушади.

10 кун муқаддам эълон қилинган Баёнотни яхши биласизлар. Ўша Баёнотда, аслида ҳамма нарса — қандай иш тутишимиз ва нималарни умид қилаётганимиз айтилган. Халқимиз, иттифоқчиларимиз ва дўстларимиз, жаҳон жамоатчилигининг кенг доиралари буни хайрихоҳлик билан, маъқуллаб кутиб олдилар. Афғонистон муаммосидан бундан буён ҳам ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланмоқчи бўлган кишиларнинг олдига эса бу Баёнот улар ҳисоблашишларига тўғри келадиган янги реалликлар қўяди. Афғонистондаги вазиятни сиёсий воситалар билан бартараф этиш барча қатнашчиларининг ҳақиқий позицияси қандайлиги яқин ойларда равшан бўлади.

Бизнинг Афғонистон можаросидаги иштирокимиз — биз қайта қуриш ва янги тафаккурни изчиллик билан амалий сиёсатда рўёбга чиқариш давомида бартараф этаётган кўпгина жиҳатларга тааллуқли бўлган жуда мураккаб проблема эканлиги тушунарли, ўртоқлар. Бироқ, ҳозир асосий масала шундан иборатки, бу масалада ҳам Сиёсий бюро КПСС XXVII съездининг принципиал йўлига қатъий мувофиқ равишда иш тутмоқда.

Умуман, янгича тафаккур муаммоларини илмий ишлаб чиқиш ҳам, уларни мафкуравий жиҳатдан асослаш ҳам илк босқичда турганлигини айтмоқ керак. Кенгайиб бораётган ошкоралик вазиятида бу соҳадаги иш камаймайди. Совет кишиларининг ҳамма ишни ўзлари суриштириб билиб олиш, нималар бўлаётганини яхшироқ тушуниш, айниқса, уруш хавфига қарши умумхалқ курашида, халқаро мулоқотда билимдонлик билан қатнашиш истаги табиийдир.

Айни шу боисдан ҳам ташқи сиёсат пропагандасининг, халқаро масалаларга оид тушунтириш ва шарҳлаш ишининг ахборот берувчилик ва ақл-идрок даражасини қатъият билан кўтариш учун зарур бўлган ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу — идеология фаолиятимизнинг жуда муҳим соҳасидир. Чунки бизнинг ғояларимиз ва ички соҳадаги ўзгартишларимиз муносабати билан ҳам янгича тафаккурнинг моҳиятини англашда баъзи кишилар онгида саросималик пайдо бўлди. Бунга ажабланмаслик керак: муаммолар ҳаддан ташқари салмоқли, улар кучайиб бораверади ва улар теварагида кураш авж олиб кетди.

Биз жаҳон тарихининг буюк диалектикаси вужудга келтирган мислсиз ҳодисанинг, ўзига хос жумбоқнинг гувоҳлари ва қатнашчилари бўлиб қоляпмиз. Жаҳон миқёсидаги кўпгина жараёнларнинг жадал интернационаллашуви билан бирга мамлакатлар ва халқлар миллий ҳамда регионал тараққиёти нусхаларининг сони ва ўзига хослиги кўпайиб бормоқда. Бироқ униси ҳам, буниси ҳам дунёнинг яхлитлигини мустаҳкамлаш фойдасига ишламоқда. Бундай воқеаларни назарияда ҳали жиддий равишда ўзлаштириб олиш ва сиёсатга ўтказиш лозим. Бу — кўп тармоққа эга бўлган ҳам назарий, ҳам амалий вазифадир.

Зўравонлик сиёсати учун асос қилиб олинган милитаризм доктринасига биз «манфаатлар мувозанати» ва ўзаро тенг хавфсизлик концепциясини қарама-қарши қўйдик. Бизнинг давлат манфаатларимиз бошқа ҳар қандай жамиятдаги халқларнинг, меҳнаткашлар оммасининг манфаатларига зид келмайди. Тинчлик сақлаб қолинмаса, умуман ҳеч қандай тараққиёт бўлмайди ва шу вазифани ҳал қилмай туриб, бошқа бирон-бир халқнинг манфаатлари ҳақида гапириш бемаъниликдир. Урушни халқаро сиёсатдан соқит қилиш учун кураш — миллион-миллион кишиларнинг, аввало, ҳар қандай урушлардан ҳаммадан олдин ва ҳаммадан кўп азият чекадиган меҳнаткашларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун курашдир. Бошқа системадаги давлатлар билан нормал савдо-сотиқ муносабатларини йўлга қўйиш, бошқа ҳамма афзалликларидан ташқари, антисоветизмни, демакки, антикоммунизмни путурдан кетказади, шу тариқа реакциянинг демократик ғалабаларга ва муддаоларга тазйиқини заифлаштиради.

Биз милитаризмни тугатиш масаласини кескин қилиб қўйдик ва бу масалага ишчанлик билан реалистик ёндашяпмиз. Милитаризмни тугатиш энг реакцион кучларни жиловлашга кўмаклашибгина қолмай, шу билан бирга ҳамма ерда иш жойларини кўпайтириш имконини ҳам беради. Бу эса меҳнат аҳли учун бевосита манфаат келтиришидан ташқари меҳнаткаш омманинг иқтисодий ва социал жиҳатдан фаол қисмини, яъни демократия ва тараққиётнинг социал базасини кенгайтиришга олиб боради.

Дунёда янги иқтисодий тартиб ўрнатиш ва «учинчи дунё»даги мушкул танглик ҳолатларини бартараф этиш учун кураш пировард натижада бутун-бутун қитъалардаги янгидан миллионлаб кишилар учун инсоний кун кечириш шароитларини яратишни ва уларни тарихий ижодкорликка жалб этишни билдиради. Бу эса жаҳон тараққиётининг, мустақил ривожланишнинг, революцион ўзгартишларнинг жуда муҳим омилидир.

Жаҳондаги жараёнларнинг мураккаблиги ва жаҳон сиёсати «юриши ва бурилишлари» қандай бўлишини олдиндан билиб бўлмаслиги, бизнинг халқаро майдонда мислсиз шов-шувга сабаб бўлган тинчлик юришимиз миқёси ҳамда янгилиги, тинч-тотув яшашдан объектив равишда манфаатдор бўлмаган қудратли кучларнинг қаршилиги ва, ниҳоят, фикримиз тўғри тушуниладиган бўлиши зарурлиги — мана шуларнинг ҳаммаси бизнинг сиёсий масъулиятимизнигина эмас, назарий масъулиятимизни ҳам бир поғона кўтаради. Дунёдаги реал ривожланишда ва бинобарин, сиёсатда ҳам синфий ва умумбашарий негизларни бирга қўшиш масаласи марксистлар олдида ҳам, уларнинг рақиблари олдида ҳам кўндаланг бўлиб қолган долзарб назарий масаладир.

Октябрнинг 70 йиллиги тўғрисидаги докладда бу хусусдаги принципиал қоидалар баён этиб берилди. Ҳозирги босқичда, XX аср охирида эришилган дунёнинг ўзаро боғлиқлиги ва яхлитлиги шароитида империализмнинг табиатига унинг энг хатарли кўринишлари йўлини тўсиб қўя оладиган тарзда таъсир ўтказиб бўладими? — деган жуда муҳим муаммо пайдо бўлди. Турли социал системаларнинг мусобақалашуви ва уларнинг жаҳоншумул фалокатни истисно қиладиган шаклларда тинч-тотув яшаш имконияти мезонлари белгиланди. Бизнинг жамиятшунослик фанимиз янги даврнинг хусусиятларини ва асосий белгиларини таҳлил этишга дадилроқ кириша бошлади.

Жаҳон жамоатчилигининг жуда кўпчилиги биздаги қайта қуришни бутун инсоният учун яхшилик деб ҳисобламоқда, биз бошлаган ўзгартишларга ва бизнинг ташқи сиёсатимизга ижобий назар билан, ҳатто хайрихоҳлик билан қарамоқда, кўп кишилар эса уни ошкора ва фаол қўллаб-қувватламоқда. Биз бутун дунёда келажакка бўлган умидни қайтадан юзага келтирдик. Бу — катта маънавий ютуғимиздир. Биз бунинг қадрига етишимиз керак. Боз устига ҳамма жойда сезилиб турган ишончни оқлаш лозим. Инсон омили билан бевосита боғлиқ бўлган, аммо илдизлари ҳозирги замоннинг объектив жараёнларига бориб тақаладиган ишнинг бир жиҳати мана шундан иборат.

Унинг иккинчи жиҳати — монополистик капиталда ҳамда у ҳукмронлик қилаётган жамиятда рўй берган катта ўзгаришлардир. Бундан ташқари ҳозирги жаҳон тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этган мутлақо янги омиллар: ядро уруши хавфи, фан ва техникадаги революциянинг мислсиз социал ва халқаро оқибатлари, ҳамма учун умумий бўлган экология соҳасидаги хавф-хатар, ахборот ва алоқанинг ҳамма турлари соҳасидаги принципиал бошқача вазият вужудга келди. Ялпи муаммоларнинг кескинлашуви, уларни ҳал этишда халқаро ҳамкорлик зарурлигини англаш — мана шуларнинг ҳаммаси тинчлик ва қуролсизланиш фойдасига ишламоқда. Фашизм ва иккинчи жаҳон урушининг даҳшатли тажрибаси оқибатлари кўп мамлакатлардаги одамларга ҳамон муттасил психологик таъсир ўтказиб турибди.

Буларнинг ҳаммаси монополистик капитализм ва унинг халқаро сиёсат устқурмаси доирасида «уруш партияси» билан «тинчлик партияси» ўртасидаги, Ғарбда ҳукмрон бўлган синфнинг, Ленин сўзлари билан айтганда, «қўпол буржуазия, агрессив буржуазия, реакцион буржуазия» лагери билан «пацифистик лагерь» ўртасидаги нисбатни ўзгартиради. Хуллас биз революциямизнинг янги, жуда катта фазасига кирган халқаро шароитлар унинг аввалги босқичларидаги шароитлардан жуда фарқ қилади.

Янгича тафаккур — материалистик диалектика усулида таҳлил этилган янги реалликларни тўғри тушунишдир. Бу — шу таҳлилдан чиқарилган ҳамда Лениннинг революция тажрибаси билан ва марксизм-ленинизмнинг асосий принциплари билан қиёсланган хулосалар ҳамдир. Янгича тафаккур империализм тўғрисидаги Ленин назариясига, В. И. Лениннинг ҳеч қачон «яхши» бўлиб қолмайдиган империализм табиати борасидаги тадқиқотига таянишини ҳам таъкидламоқ керак. Бу хусусда бизда ҳеч қандай хом хаёллар йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Умумбашарий қадриятларнинг янги роли — янгича тафаккурнинг марказий бўғинидир. Бу қадриятларнинг аҳамиятини К. Маркс ҳам, В. И. Ленин ҳам уқтириб ўтган эди. Бу эса уларнинг таълимоти инсонпарварлик негизидан келиб чиқадиган умумий мулоҳазалардангина иборат эмас эди. Улуғ устозларимиз дунёда давом этаётган интернационаллашув жараёнларининг аҳамиятини таъкидлаш билан бирга, умумбашарий қадриятларнинг объектив негизини очиб, уларни социал-синфий қадриятлар билан диалектик равишда боғлаган эдилар. Эндиликда мана шуларнинг ҳаммаси амалий сиёсатнинг энг асосий йўли бўлиб қолмоқда. Сиёсатга нисбатан қўйилаётган бундай талаб эса ҳозирги даврнинг ҳам салбий, ҳам ижобий жараёнларидан: бир томондан — инсон зоти ҳаётининг ўзига солинаётган мислсиз хавф-хатар кучайиб бораётганлигидан, иккинчи томондан, давлатнинг ички сиёсатида ва жаҳон сиёсатида омманинг ва умумдемократик омилнинг роли ошиб бораётганидан келиб чиқади.

Бу эса мутлақо бошқача халқаро муносабатларни талаб қилади. Хўш, айнан қандай муносабатни талаб қилади? Бу муносабатларда қайси принцип асосий ва шак-шубҳасиз принцип бўлиши керак? Биз бу принципни айтиб бердик. АҚШ президентидан тортиб, миллий мустақиллик ва социализм учун курашувчи дўстларимизгача — ҳаммага буни баралла айтдик ва уни такрорлашдан чарчамаймиз. Бу принцип — ҳар бир халқнинг, ҳар бир мамлакатнинг ўз социал ва сиёсий йўлини танлаб олиш эркинлигини тан олишдир. Масалани бундай тарзда қўйишда ҳам ҳеч қандай хаёлий орзу, хом хаёлдан асар йўқ. Ғарбни шу принципни тан олиш зарурлигига дипломатик илтифотлар билан ҳам, ташвиқот билан ҳам ишонтириб бўлмаслигини жуда яхши тушунамиз.

Ўз-ўзидан равшанки, қарама-қарши ижтимоий системалар вакиллари ўртасида мумкин бўлган оз бўлсада ишончга эришиш йўлида бизнинг холис ниятимиз, халқаро фаолиятимизнинг янги услуби, бизнинг ошкора ва натижадор мулоқотга интилишимиз аҳамиятини, давлатлараро муносабатларга идеологияни сингдиришдан астойдил воз кечганлигимизнинг, бирон бир ўзгаларнинг хавфсизлигига зарар етказмай теппа-тенг муросаларга тайёрлигимизнинг, — хуллас, қайта қуриш давридаги совет ташқи сиёсатига хос бўлган ҳамма сифатларнинг аҳамиятини асло камайтириб кўрсатиб бўлмайди.

Бироқ ҳозирги дунёнинг юқорида гапириб ўтилган ва янгича тафаккурда ўз аксини топаётган реалликлари халқларнинг ўзлари хоҳлаганича, четдан ҳеч кимнинг аралашувисиз яшаш ҳуқуқини тан олиш ишидаги тобора асосий «маърифатчи» бўлиб қолмоқда. Дарвоқе, айнан янгича тафаккур дунёни тўғри акс эттириши сабабли биз уни ўзимиз учунгина эмас, шу билан бирга қолган дунё учун ҳам ярoқли, деб ҳисоблаймиз. Улар, мана шу реалликлар ҳар қандай кимсани ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этади, чунки пировард натижада инсониятнинг, цивилизация ҳаётининг ўзининг омон қолиши уларга боғлиқ. Улар империализм учун ҳам муайян доираларни белгилаб қўяди.

Зотан, социализм, демократия ва тараққиёт кучларининг энг муҳим вазифаси, айтишим мумкинки, тарихий бурчи ҳам мазкур доираларни агрессия ва интервенция кучлари учун ўтиб бўлмайдиган тўсиқни яратадиган реалликларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашдан, зарур бўлса, вужудга ҳам келтиришдан иборатдир.

Биз, Совет Иттифоқи ўз қайта қуришимиз билан мана шундай реалликларни вужудга келтиряпмиз ва мустаҳкамлаяпмиз. Бизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳамма ютуқларимиз ва тинчликни сақлаб қолиш ишининг ўзи мана шунга — қайта қуришнинг муваффақиятларига, сиз билан бизнинг ишимизга асосланишини яна бир бор айтиб ўтмоқчиман, ўртоқлар. Бироқ барча кишиларимиз тескари алоқани ҳам яхши уқиб олишлари муҳимдир: янгича тафаккурга асосланган ташқи сиёсат бўлмаса, қайта қуриш муваффақиятли бўлиб чиқмайди.

Ўртоқлар! Ички ва ташқи сиёсат жиҳатларининг мана шундай диалектик ўзаро боғлиқлигида қайта қуришнинг янги босқичдаги мафкуравий муаммолари олдимизда кўндаланг бўлиб турибди. Улар бизнинг диққат-эътиборимизни бир йил муқаддам Марказий Комитетнинг январь Пленумида кескин қилиб қўйилган масалага, кадрлар тўғрисидаги масалага яна, ўн карра зўр куч билан қаратмоқда.

Актив қайта қурилаётган жонли, жўшқин ташкилотчилик, сиёсий ва мафкуравий фаолиятда эндиликда Шчедриннинг «Янги ғояларни тушунмайман, ҳатто уларни нима учун тушуниш зарурлигини ҳам тушунмайман», деб айтган қаҳрамонига ўхшаш кишилар учун жой бўлмаслиги керак. Замондошимизнинг ана шундай фикрлаши ёмондир. Партия аъзоси, партиявий раҳбар шундай кайфиятларга берилган бўлса, уч карра ёмон. Қайта-қайта айтаманки, партия, ҳар бир коммунист, у қандай лавозимда бўлишидан қатъи назар, демократизм намунасини кўрсатиши керак. Шундай қилинмаса демократиялаш жараёни давом этмайди.

Партия қайта қуришни ўзидан, ўз кадрларидан бошлади. КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумидан кейин партиянинг кадрлар соҳасидаги ишида кўп юмушлар бажарилди. Бунда биз қайта қуришга муносабатни асосий мезон қилиб олдик. Барча партия ташкилотларида бўлиб ўтган сайлаб қўйиладиган органларнинг қайта қуришга раҳбарлик тўғрисидаги ҳисоботлари яқиндагина ниҳоясига етди. Бу ҳисоботлар барча коммунистлар фаолиятсизлик, масъулиятсизлик, бўшашувчанликка, қайта қуришга нисбатан лоқайд муносабатга, сафсатабозлар ва вайсақиларга тоқат қилишни истамаётганликларини кўрсатди. Йиғилишлар давомида 4800 дан зиёдроқ партия комитети ва партия бюроларининг иши қониқарсиз деб топилди, сайлаб қўйиладиган органларнинг 89 минг нафардан кўпроқ аъзоси алмаштирилди. Бу — партияда қайта қуриш иши учун кадрларга нисбатан юксакроқ талаблар қўйиш вазиятини вужудга келтиришнинг қонуний натижасидир.

Биз шу йўлдан изчиллик билан олға боришимиз, демак, — қайта қуриш даври тақозо этаётганидек, демократизмга тинимсиз ўрганишимиз керак. Демократизмга ўрганиш осон иш эмас. Лекин бизда ишончли йўллар, шундай ўқиб ўрганишнинг ишончли ленинча методи бор.

Бу — танқид ва ўз-ўзини танқидни чўчимасдан ривожлантиришдир.

Бу — омма орасида, энг ўткир ҳаётий муаммолар ичида бўлиш доимий муддаосидир.

Бу — меҳнаткашларнинг, жамият барча қатламларининг кайфиятлари, талаб-эҳтиёжлари ва энг муҳим манфаатларини мужассамлаштиришдир.

Бу, ниҳоят, — асосий хусусияти оммага таянишдан иборат бўлган ленинча амалий иш услубини муттасил қарор топтиришдир.

Демократиялаш сайлаб қўйиладиган органларнинг ролини ошириш орқали, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини қатъиян кучайтириш орқали партия бутун ички турмушига сингиб кетиши керак, албатта.

Партиямизнинг раҳбарлик ролини кимдир юқоридан абадул-абад бериб қўймай, балки коммунистларнинг бир қанча авлодлари, уларнинг социализм учун, меҳнат аҳлининг манфаатлари учун олиб борган астойдил кураши билан қўлга киритилганлигини ёдда тутишимиз шарт. Ҳозир ҳам биз ҳар куни ва ҳар соатда халқ манфаатлари йўлида, жонажон мамлакатимиз манфаатлари йўлида тер тўкиб ишлаб, жамиятни революцион тарзда янгилаш авангардида бўлишдан иборат ўз ҳуқуқимизни тасдиқлаб, қарор топтиришимиз лозим.

Ўртоқлар, нутқимни тугаллар эканман, ҳозирги ҳаётимизни қайта қуриш бошланишидан олдинги турмушимиз билан қиёслайдиган бўлсак, салкам уч йил ичида кўп иш қилинганлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Аммо биз қайта қуришдан кутаётганларимизга ва жамиятимизнинг нималарга қодирлигига таққослайдиган бўлсак, ҳали жуда кам иш қилинди. Совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатига эришиш йўлида кўпгина қийин муаммоларни ҳал этишга тўғри келади.

Биз Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига тайёргарлик кўрмоқдамиз. Қайта қуриш шароитида уч йиллик ҳаётимиз ва ишимизнинг, айниқса корхона тўғрисидаги Қонун амал қилаётган дастлабки ойларнинг принципиал якунларини асосли равишда таҳлил этишимиз лозим бўлади. Партия ва жамият демократиялаш жараёнини авж олдириб, туб иқтисодий ислоҳотни бошлаб, қандай марраларга чиқиб олганлигини ва чиқаётганлигини белгилаб олишга тўғри келади. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида сиёсий системамизни такомиллаштириш ҳамда сиёсий авангард ҳисобланган партиянинг роли тўғрисида конкрет қарорлар қабул қилиниши лозим. Бу билан революцион қайта қуришимизга янгидан қудратли туртки берилади.

Хуллас, олдимизда катта, тиғиз ишлар турибди. Сўнгги вақтда партия ва жамиятда вужудга келаётган новаторларча ғоялар ва таклифлар ҳажми ҳам беқиёс. Кўплаб конкрет масалалар ҳам оз эмас ва улар муттасил кўпайиб бормоқда.

Бу масалаларни қандай ҳал этиш керак? Бу ҳақда биз биргаликда иш олиб боришимиз, белгиланган йўлдан қадам-бақадам олға боришимиз керак. Ижодкорлик билан, дадил ва айни вақтда ишчанлик билан, масъулият билан изланишимиз лозим. Хуллас ленинчасига, большевикчасига ишлашимиз керак.

(Нутқ зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан бўлиниб турди).

М. И. Ульянова туғилган куннинг 110 йиллигига

Революционер, публицист, мураббий

Мария Ильинична Ульянова жаҳонга Лениндек улуғ сиймони берган каттакон инқилобий хонадоннинг кенжатойи эди. Саккиз ёшли қизалоқ отадан етим қолди, яна бир йилдан кейин эса, катта акаси Александр золим подшонинг жонига қасд қилгани учун қатл этилди. Бу воқеалар ёшгина Мариянинг вужудини ларзага солди.

1898 йили Мария Ильинична РСДРП сафига аъзо бўлиб кирди. Москва партия ташкилоти ишларида фаол қатнашганлиги учун 1899 йил сентябрида Мария Ильиничнани биринчи бор қамоққа олдилар ва Нижний Новгородга бадарға қилдилар. 1901 йили иккинчи марта, 1904 йили учинчи марта қамадилар, яна кўп марталаб ҳибсга олдилар.

Мария Ильинична партия ва революция иши учун зарур бўлган яширинча ишларни олиб боришда акаси Владимир Ильичнинг энг яқин сирдоши, энг ишончли кўмакдоши эди. Сургунгоҳлардан ва мухожирликдан йўллаган кўпгина мактубларида Владимир Ильич Маняшага бебаҳо ёрдамлари учун — китоблардан кўчирмалар, нодир ҳужжатлар ва нолегал адабиётлар юбориб турганлиги учун кўп марталаб миннатдорчиликларини изҳор қиларди. Ўз навбатида Мария Ильинична ҳам акасининг доимий кўмаги ва ғамхўрликларидан бир умр миннатдор эди.

1900 йилдан бошлаб Мария Ильинична В. И. Лениннинг топшириғи билан «Искра» ишларида фаол иштирок этди.

1905 йил революцияси даврида М. И. Ульянова Петербург партия комитетида ишлади, ишчилар орасида тез-тез бўлиб, уларга партия III съезди қарорларини тушунтирди. 1910 йил кўкламида Саратовга келиб, икки йил мобайнида маҳаллий партия ташкилотини бошқариб турди ва «Привольжская газета» редакциясида большевистик группага раҳбарлик қилди.

1917 йил февраль революциясидан сўнг мамлакатимиз меҳнаткашларининг севимли газетаси «Правда» яна чиқа бошлади. В. И. Лениннинг маслаҳати билан Мария Ильинична газетанинг биринчи сонлариданоқ унинг ишларида фаол қатнашди. Тез орада Марказий Комитет Бюроси Мария Ильиничнани бошқа атоқли партия публицистлари қаторида «Правда» редакциясининг аъзоси қилиб тасдиқлади. Шундай қилиб, партиямизнинг Марказий органида Мария Ильиничнанинг 12 йиллик сермаҳсул ва сермашаққат меҳнат фаолияти бошланди. У улкан газетанинг энг машаққатли ва оғир участкасида — «Правда»нинг масъул секретари лавозимида ишлади.

1920 йиллар бошига келиб юзларча, минглаб ишчилар ва деҳқонлар жонажон «Правда»га фаол қатнашардилар, газетанинг жойлардаги кўз-қулоғи, шон-шарафи ва виждонига айланган эдилар. Ишчи-қишлоқ мухбирлар ҳаракатининг ташкилотчи — «онахони», ғамхўр мураббийси Мария Ильинична эди.

М. И. Ульянованинг ташаббуси билан 1924 йилда «Рабоче-крестьянский корреспондент» журнали ташкил этилди (журнал редакцияси бу тарихий фактни ўз сарлавҳаси остига бир умрга муҳрлаб қўйган). Мазкур журнал «Правда» редакцияси томонидан ҳозиргача нашр этиб келинмоқда ва мамлакатимиздаги ишчи-қишлоқ мухбирларининг севимли нашрига айланиб кетган.

Хотин-қизларнинг сиёсий савиясини ошириш масаласига катта эътибор берган Мария Ильинична «Правда» газетасида «Ишчи аёллар саҳифаси»ни ташкил этди ва шахсан ўзи аёллар орасида тарбиявий ишлар олиб боришда фаол қатнашди. Ишчи-деҳқон аёлларини коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасидаги фидокорона меҳнатлари учун М. И. Ульянова Советлар мамлакатининг энг нуфузли нишони — Ленин ордени билан тақдирланди. Севимли акасининг исми билан аталган юксак орденга мушарраф бўлиш Мария Ильиничнани беҳад қувонтирди ва тўлқинлантирди.

1929 йил кўкламида М. И. Ульянова В. И. Ленин институтига ишга ўтди. Бу ерда у Лениннинг қариндош-уруғларига йўллаган мактубларини тўплади, уларга сўзбоши ёзди ва нашрга тайёрлади. Мария Ильиничнанинг Ленин ва Ульяновлар оиласининг бошқа аъзолари ҳақидаги хотиралари ҳам муҳим аҳамиятга молик... 1930 йилдан бошлаб Марказий Контрол Комиссияси — Ишчи-деҳқон инспекциясининг шикоятлар бюросига бошчилик қилди. «Бу вазифада у, айниқса, шижоат кўрсатди, — деб ёзганди Н. К. Крупская. — ...У сира ўзини аямасди, кўпинча эрталабдан то кечаси уч-тўртларгача дам олмай ишларди».

Бугунги революцион қайта қуришлар кенг қулоч ёйётган ошкоралик, демократия ва туб иқтисодий ислоҳотлар даврида ана шу инқилобий ўзгаришлар сарчашмасида жавлон урганлар, Коммунистик партиянинг порлоқ идеаллари учун, меҳнаткашларнинг бахт-иқболи учун курашиб, жон фидо қилганлар, Мария Ильинична каби мард ва фидокор курашчилар миннатдор авлодлар қалбида мангу барҳаёт қолаверади. Улар улуғ мақсад ва нурафшон манзил томон ғолибона одимлаётганлар сафида ҳамиша ҳамкор ва ҳамқадамдирлар.

В. АБДУЛЛАЕВ,
В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети доценти.

«Диалог» билан суҳбат

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳузурида жамоатчи редакция фаолият кўрсатаётганига икки йил бўлди. Фақат ўтган йилнинг ўзида унинг қабулхонаси ходимлари юздан зиёд кишини қабул қилди, икки мингдан зиёд телефон қўнғироқларига жавоб берди, жуда кўп хатлар олди.

Аксарият хат ва қўнғироқлар уй-жой-маиший масалаларга, транспорт ва савдо хизматидаги, шаҳар санитария ҳолатидаги тартибсизликларга доир эди. Мазкур масалаларнинг кўпи «Оқшом» газеталари саҳифаларида долзарб фельетонлар, репортажлар, проблемали ва танқидий мақолалар эълон қилиниши учун мавзу сифатида хизмат қилди.

Жамоатчи редакция кенгаши ўзининг сўнгги мажлисларидан бирида газетхонлар билан, бутун шаҳар аҳолиси билан янада мустаҳкам алоқа ўрнатиш учун ҳар ойда материаллари фақат штатсиз мухбирлар, Ўзбекистон пойтахти аҳолиси томонидан ёзилажак махсус илова тайёрлашга қарор қилди.

Январь ойининг сўнгги кунларидан бирида «Оқшом» (рус-ўзбек тилларида) ўқувчилари газетани варақлаб, ана шу илованинг «Диалог» ва «Мушоҳада» деб номланган биринчи сони билан танишдилар. Мазкур одатдан ташқари газета ичидаги газетанинг тўрт саҳифасида ҳам мавзулари, ҳам жанрлари жиҳатидан ранг-баранг мақолалар берилган. «Диалог»нинг бутун бошли бир саҳифаси ҳозир ҳақли равишда дам олаётганлар тўғрисидаги ҳикояларга бағишланган. Унинг ўзи ҳам «Ветеран» деб номланган. «Диалог»нинг «Биз билан ёнма-ён», «Давр. Одамлар. Одоб», «Хотира», «Шаҳар чорраҳаларида», «Ҳам ҳазил, ҳам чин», «Юрист маслаҳатлари» рубрикалари эътиборни жалб этади.

Вил. НИЕЗМАТОВ.
(Ўз мухбиримиз).
«Советская культура», 1988 йил 18 февраль.

Совет-Венгрия дўстлиги мустаҳкамланаверсин

Ўзбекистон меҳнаткашлари Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзоланганлигининг 40 йиллигини кенг нишонладилар. 18 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган жамоатчилик вакилларининг тантанали йиғилиши шу шонли санага бағишланди.

Йиғилишда 1948 йилда имзоланган СССР билан ВХР ўртасидаги шартнома Совет — Венгрия муносабатларини ривожлантиришда қудратли омил бўлганлиги, венгер халқи учун социалистик зафарларни ҳимоя қилишнинг кафолати бўлганлиги таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланиб ва ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам бунга фаол ёрдам бермоқдалар. Қайта қуриш жараёнида биргаликда корхоналар бунёд этиш, бевосита алоқалар ўрнатиш асосида иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш учун айниқса қулай имкониятлар пайдо бўлди. Йиғилиш қатнашчилари қардош венгер халқига социализм қурилишида янги муваффақиятлар тиладилар. Йиғилиш аҳли ВХРнинг тарихи ва бугунги куни акс этган фотокўргазмани кўздан кечирди.

(ЎзТАГ).

БИЛДИРИШ

Йигирманчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг тўртинчи сессияси 1988 йил 26 февраль соат 11.00 да область партия комитетининг катта мажлислар залида (Ўзбекистон проспекти, 9-уй) очилишини маълум қиламиз.

Партия группасининг мажлиси соат 10.00 да бўлади.

Депутатлар шу ернинг ўзида соат 9.00 дан рўйхатга олинадилар.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

Олимпиада хроникаси

Канадада XV Қишки Олимпиада ўйинлари бошланганига олти кун бўлди. Бу кунларда мусобақаларда турли кутилмаган воқеалар, натижалар бўлди. Бу натижаларнинг ҳар бири Олимпиада терма командалари мусобақаларга қай тарзда тайёргарлик кўрганликларини кўрсатди.

Мусобақанинг олтинчи кунида яна бир қанча Олимпиада чемпионлари аниқланди.

⊙ ЧАНҒИ СПОРТИ

Мазкур спорт турида мамлакатимиз вакиллари бирмунча яхши қатнашмоқда. Шу кунга қадар мусобақаларда Олимпиаданинг икки олтин медали қўлга киритилганди. Сўнгги кундаги беш километрга чанғида югуриш бўйича аёллар ўртасидаги мусобақада мамлакатимиз вакили Тамара Тихонова кумуш медал соҳибаси бўлди. Олимпиада чемпиони Вида Венцене Олимпиаданинг бронза медалига сазовор бўлди.

⊙ ФИГУРАЛИ УЧИШ

Якка ҳолда фигурали учиш бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақада ҳам вакилларимиз муваффақиятли иштирок этишмоқда. Биргина москвалик Александр Фадеев мазкур спорт турида пешқадамлар қаторидан ўрин эгаллаб турибди. Маълумки, ушбу турда ҳам мамлакатимиз вакиллари битта олтин, битта кумуш медалга сазовор бўлишган. Бу албатта, қувончли натижаларнинг бир қисми.

⊙ ХОККЕЙ

Мусобақалар қизғин паллага кирган. Мамлакатимиз вакиллари учинчи учрашувни ҳам ғалаба билан якунлашди. Бу гал улар Америка Қўшма Штатлари хоккейчиларини 7:5 ҳисобда мағлубиятга учратиб, ўз группаларида карвонбошилик қилишмоқда. Финляндия терма командаси бу турда француз муз усталарини 10:1 ҳисобда ютишди. ГФР олимпиада терма командаси эса австриялик вакилларни 3:1, чехословакиялик эса Норвегия терма командасини 10:1 ҳисобда мағлубиятга учратишди.

Бугун Олимпиада программасидан ўрин олган бир қанча спорт турлари бўйича мусобақалар давом эттирилди.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТОШКЕНТ оқшоми
Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва халқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар — 33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р—13701. А.2051. Тиражи — 104.250. 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.